



XASR

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqq boshlagan

IJTIMOY-SIYOSIY GAZETA

2014-yil 19-iyun, payshanba, 24 (552)-son

e-mail: xxi_asr@mail.ru, web sayt: www.21asr.uz



Президентлар Самарқандга ташриф буюрди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэ 18 июнь куни Самарқанд шаҳрига ташриф буюрдилар

Олий мартабали меҳмон қадим шаҳарнинг муаззам тарихий обидалари билан танишувни Мирзо Улуғбек расадхонасидан бошлади. Жаҳон цивилизацияси ривожига улкан хисса қўшган буюк аломо Мирзо Улуғбек бунёд этган мазкур иншоот ажлодларимиз закоси, юртимиз илм-фаннинг чуқур илдиларидан далолат беради. Пак Кин Хэга машҳур олим ва давлат арбоби ҳаёти ва илмий фаолияти ҳақида сўзлаб берилди.

Расадхонага киришим билан Мирзо Улуғбекнинг қанчалар буюк даҳо ва улкан иқтидор эгаси бўлганини хис этдим, — деди Корея Республикаси Президенти.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея раҳбарлари «Афросиёб» музейида бўлдилар. Ундаги экспонатлар халқимиз давлатчилик тарихидан, мамлакатимизда қадимдан хунармандчилик ва савдо-сотиқ ривожлангани, халқаро алоқалар кенг йўлга қўйилганидан ҳикоя қилади. Деворий суратлардан бирида Афросиёб (қадимги Самарқанд) ҳукмдорининг турли мамлакатлар элчиларини қабул қилиш маросими акс этган. Улар орасида Чосон (Корея) элчисининг ҳам борлиги халқларимиз ўртасидаги муносабатлар илдизи бир неча асрларга бориб тақаллинидан далолат беради.

«Афросиёб» музейи ҳудудида ташкил этилган «Буюк ипак йўлидан» деб номланган боғ мамлакатларимиз ўртасидаги яқин дўстликнинг яна бир намунасидир. Бу ерда жадал ривожланаётган Ўзбекистон ва Жанубий Корея дўстлиги ва ҳамкорлиги рами сифатида ёдгорлик ўрнатилган.

Корея Республикаси Президенти Регистон мажмуини диққат ва ҳаяжон билан томоша қилди. Президент Ислам Каримов раҳнамолигида буюк ажлодларимиз бой меросини чуқур ўрганиш, тарихий обидаларни асраб-авайлаш борасида амалга оширилаётган бетимсол ишларга юксак баҳо берди.

Пак Кин Хэ Регистон мажмуида миллий хунармандлик буюмлари кўргазмасини кўздан кечирди, Самарқанд пилаларишнинг тўқилиш жараёни билан қизиқди.

Жанубий Корея раҳбари Амир Темур макбарасини зиёрат қилиб, Сохибқироннинг сўнас хотирасига хурмат бажо келтирди.

Олий мартабали меҳмон қадим маданиятимиз ва миллий давлатчилигимиз тарихининг тимсоли, меъморлик санъатимизнинг юксак намунаси бўлган Самарқанд шаҳридаги бетакрор обидалар ўзида унутилмас таассурот қолдирганини алоҳида таъкидлади.

Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэнинг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи самарали бўлди. Ташриф асосида давлатлараро, вазирилик ва идоралар даражасида қатор манфаатли келишувларга эришилди. Имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада юқори босқичга кўтаришга хизмат қилиши кайд этилди.

Шу билан Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэнинг Ўзбекистон Республикасига илк давлат ташрифи якунига етди. Жанубий Корея раҳбари Ўзбекистонга ташрифи жуда самарали ва фойдали бўлганини таъкидлаб, самимий қабул учун Президент Ислам Каримовга чуқур миннатдорлик билдирди.

Ирода УМАРОВА, Голиб ҲАСАНОВ, ЎЗА махсус мухбирлари.

Бюджет ижроси депутатлар муҳокамасида

О'zLiDeP фракциясининг навбатдаги йиғилишида Давлат бюджетининг 2013 йил якуни ва 2014 йил биринчи чорагидаги ижроси атрофида муҳокама қилинди.

Фракция аъзоларининг фикрича, мамлакатнинг иқтисодий тараққиёти бюджет тизимининг барқарорлиги, маблағларнинг аниқ ва мақсадли сарфланиши билан бевосита боғлиқ. Ана шу жиҳатдан ҳам Ўзбекистоннинг йилдан-йилга юқалиб боришида изчил бюджет сиёсати долзарб аҳамият касб этяпти, дейишга тўла асос бор.

Молия вазирининг ўринбосари Мубин Мирзаевнинг таъкидлашича, Президентимизнинг 2012 йилда мамлакатни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш йуналиши ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган вазифаларнинг сўзсиз бажарилиши туфайли хисобот даврида иқтисодиётнинг изчил ўсиш суръати таъминланди. Бунда ривожланишнинг ўзига хос модели асосида ишлаб чиқилган кенг кўламли дастурлар муҳим ўрин тутмоқда. Ўз навбатида юртимиз иқтисодиётининг қон томири бўлган молия-банк тизими ҳам барқарор ривожланаётди.

2 >>>

Узоқни кўзлаган ислохотлар самараси



О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва Ўзбекистон Фермерлари кенгаши ташаббуси билан Тошкент вилоятининг бир қатор туманларида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракция аъзолари, Тошкент вилоятидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳлари аъзолари, вилоят фермерлари иштирокида ташкил этилган давра суҳбатлари яқинда пойтахтимизда бўлиб ўтган «Ўзбекистонда Озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари» мавзусидаги халқаро конференция якунига бағишланди. Унда Президентимизнинг мазкур анжумандаги маърузаси озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳамда уларнинг экспорти билан шуғулланаётган хоржий давлатларнинг қарийб 200 га яқин вакили учун касбий малака ошириш, ўзаро фикр алмашиш, соҳадаги илғор тажрибаларни оммалаштиришда фойда катта аҳамият касб этиши таъкидланди.

Тошкент вилояти ҳокими Ахмаджон Исонов бутун мамлакатимизда бўлганидек, пойтахт вилоятида ҳам иқтисодий ислохотлар тобора кенг қўлаб ёйиб, қишлоқ мулкдорлари, фермерлар томонидан турмуш фаровонлигини таъминлаш йўлида салмоқли ишлар амалга оширилаётганини эътиборга олди. Айниқса, сўнгги йилларда мева, сабзавот, узум етиштириш, унинг экспорти-

га жиддий эътибор қаратилаётгани, деҳқон ва фермер хўжалиқлари бу борада катта имтиёзлар берилаётгани билан қизиқди. Вилоятда боғдорчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2012 йилга нисбатан сезиларли даражада ошди.

Пахтачилик ва галлачиликни изчил ривожлантириш йўлида барча иқтисодиётлардан фойдаланилмоқда. Бу, аввало,

ер эгаларига тўла эркинлик берилгани, қолаверса, тоталияр тузумга хос бўлган маъмурий буйруқбозлик сиёсатидан воз кечилгани самарасидир. Шу боис кейинги йилларда вилоятда кўп тармоқли фермер хўжалиқлари сони ортиб, улар томонидан етиштирилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг салмоғи ва тури кўпайиб бормоқда. Йилгилни таъкидланганидек, бугунги кунда

она-ер неъматларини тўғридан-тўғри хоржий давлатларга экспорт қилиш мамлакатимиз учун оддий ҳол саналади. Уларни сифатли сақлаб, бозорларимизни кишин-ёзин мева-сабзавот маҳсулотларига ссроб қилаётган, шу ҳисобдан кўшимча даромад топаётган замонавий фермерлардан ҳар қанча ибрат олса арзийди.

3 >>>



Хирмонлар сара донга тўлмоқда

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани сингари Андижон вилоятида ҳам галла ўрми-йиғими қизгин паллага кирди. Кўпчилик фермер хўжалиқлари аллақачон шартномавий режаларини удалаб, далаларни иқинчи экинга ҳозирлашга киришдилар. 85,7 тонна сара дон топириб. Олтинқўл туманида биринчилардан бўлиб зафар қучган Музаффарбек Садриддинов раҳбарлигидаги «Пахта юқори ҳосили» фермер хўжалиги ҳам шулар жумласидандир. Шунингдек, тумандаги «Порлоқ водий саховати», «Қалб орзуси ижоди», «Оқтепа фароғати» каби хўжалиқлар ҳам пешқадамлар сафига маррага етиб келдилар.

2 >>>

Қўмита қатъий назорат ўрнатди

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг навбатдаги йиғилишида «Автомобиль йўллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 7 ва 13-моддалари Андижон, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида қандай бажарилаётганини ўрганиш мақсадида ўтказилган назорат-тахлил тадбирларининг якунлари кўриб чиқилди.

Мазкур қўмита раиси, О'zLiDeP фракцияси аъзоси Собир Жабборовнинг таъкидлашича, мамлакатимизда йўлсозликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Чун-

БУГУНГИ СОНДА:	
КОЛЛЕЖ БИТИРУВЧИЛАРИНИНГ КИЧИК КОРХОНАЛАРИ	3
КЕЛАЖАГИ БУЮК ЮРТНИНГ БУНЁДҚОР ЁШЛАРИ	4
ДЕПУТАТ ВА САЙЛОВЧИ ЎРТАСИДАГИ КўПРИК	5
САНОАТЛАШГАН ИҚТИСОДИЁТДАН — ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТГА	7

ФРАКЦИЯ ТАШАББУСИ

Парламент эшитуви

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида О'zLiDePнинг парламент қуй палатасидаги фракцияси ташаббуси билан Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг «2013-2017 йиллар даврида сугориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилна фойдаланиш бўйича Давлат дастурининг бажарилиши тўғрисида»ги ахбороти тингланди.

Парламент эшитувида бутун дунёда озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари танқислиги, нархнинг ошиши кузатилаётган бир пайтда Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар натижасида аҳолини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш масаласи белгиланган режалар асосида изчил ҳал этилаётгани алоҳида тилга олинди.

Этиборга молик жиҳати, парламент эшитуви давлатимиз раҳбари ташаббуси билан пойтахтимизда юксак савияда ўтказилган ҳамда халқаро ҳамжамиятнинг эътирофига сазовор бўлган, фермер ва ишбилармонлар, умуман олганда, жамиятнинг барча бўғинлари вакиллари томонидан қўллаб-қувватланган «Ўзбекистонда Озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари» мавзусидаги халқаро конференциясининг маънавий давоми сифатида ташкил этилгани билан аҳамиятлидир.

2 >>>

Тадбиркорлар таассуротлари

Аввал хабар берганимиздек, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси кўмағида Хитойнинг Сиань шаҳрида ўтказилган Халқаро савдо-саноат кўргазма-ярмаркасида бир гуруҳ тадбиркорлар иштирок этиб қайтишди. Улар орасида ишбилармон аёллар ҳам кўпчиликини ташкил қилди. Тўрт кун давомида уларнинг экспорт шартномалари ва инвестиция битимлари тузишга оид фаолиятини кузатар эканмиз, ўзининг корхонасини оёққа тургазиш ва ташқи бозор талабига жавоб берадиган маҳсулот тайёрлаш борасида қилаётган ишлари хусусида мулоқотга киришдик. Ватандошларин билан чет элларда танишишнинг ҳам ўзига яраша гашти бўларкан. Бонси бундай танишув бирпасда қаддонлик риштасига айланаркан. Жаҳоннинг 40 дан зиёд мамлакатидан келган тадбиркорлар орасида ўзбекна қийинчи билан ажралиб турган самимий аёл. Жалакудуқ туманидаги «Joni textil savdo» масъулияти чекланган жамияти директори, О'zLiDeP аъзоси Назира опа Мирзаева билан дастлабки учрашувимиз шу тарзда юз берди.

6 >>>

Олий Мажлисда

Парламент эшитуви

Давоми. Бошланчи 1-саҳифада ◀◀

Вазирлик ва кўмиталар, уюшма ва компаниялар, молия муассасалари мутасаддилари иштирак этган тадбирда дастлаб кишлоқ ва сув ҳўжалиги вазир Шўхрат Тешаевнинг ахбороти эшитилди.

Маърузачи таъкидлаганидек, давлат дастури доирасида ерларнинг мелiorатив ҳолатини янада яхшилаш, тупроқ унумдорлигини ошириш ва шу асосда кишлоқ ҳўжалиги экинлари ҳосилдорлигини оширишга йўналтирилган тизимли ва кенг қўлланма ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, очик коллектор-дренаж тармоқларини, тик дренаж қудуқлар ва мелiorатив насос станцияларини қуриш ва қайта таъмирлаш, лизинг компанияларига мелiorатив техника, асбоб-ускуна ва бошқа машинасозлик механизмларини етказиб бериш ишлари жадал олиб борилмоқда. Бу эса ўтган давр мобайнида шўрланган ерлар майдонини 26,2 минг гектарга қисқартириш имконини берди. Мазкур чора-тадбирлар стратегик экинлар ҳосилдорлиги ва мева-сабзавотчиликни ривожлантиришга ижобий таъсир этаётди.

Йиғилишда Давлат дастури ижросини таъминлаш, хусусан, Кишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, бошқа вазирлик ва идоралар томонидан белгиланган ишлар ўз вақтида бажарилиши яхши самара бераётгани таъкидланди. Жумладан, 2008-2013 йилларда Давлат бюджетидан қарийб 981,5 млрд. сўм сарфланиб, 1,5 млн. гектардан зиёд ерларнинг мелiorатив ҳолати яхшиланди. Ер ости сувлари юзга жойлашган ерлар 555 минг гектарга қисқарди, кучли ва ўртача шўрланган майдонлари эса 113 минг гектарга камайtirилди.

Бугун мамлакатимизда озик-овқат дастури тизимли амалга оширилаётганини халқаро ҳамжамият тўла тан олмақда ва кизиккиш билан уни ўрганишти. Мустақиллик йилларида юрти-мизда озик-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 2 баробардан ошди ва ўз навбатида дон мустақиллигига эришилди. Олдинлари асосан озик-овқат маҳсулотлари истеъмолчиси бўлган Ўзбекистон бутунги кунда ишлаб чиқарувчи ҳамда дунё бозорига 5 млрд. доллардан зиёд харидоригир озик-овқат экспорт килувчи давлатга айланди. Бу эса Президентимиз раҳнамолигида кишлоқ ҳўжалигини диверсификация қилиш, бозор муносабатларига ўтиш, хусусий мулкни химоя қилиш ҳамда барча зарурий озик-овқат маҳсулотларининг етиштирувчиси бўлган фермер ва дехқон ҳўжаликларини хар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш борасида амалга оширилган кенг қамровли ишларнинг самарасидир.

Дарҳақиқат, эришилган муваффақиятлар мамлакатимиз аграр соҳасининг эртанги кунини ва тараққиётга бўлган ишонч-ни янада мустаҳкамлайди. Бу боралдаги ишларни яхшилашда кишлоқ ҳўжалиги соҳасини ислоҳ қилиш ва модернизациялаш, мелiorация ва ирригация тизимларини такомиллаштириш, ер унумдорлигини ошириш бўйича кенг қўлланма ишларни давом эттириш муҳим аҳамият касб этади.

Кези келганда, O'zLiDeP фракцияси аъзоларининг ҳам айни масала юзасидан маълум бир позицияга эга эканлигини айтиб ўтиш даркор. Хусусан, давлат дастурида белгиланган вазифаларни сифатли ва ўз вақтида бажариш аграр соҳадаги мақсадларга эришиш, Ўзбекистонда мева-сабзавот, узум ва поллиз маҳсулотлари етиштириш 2020 йилгача 2,3 баравар ошириш ана шунлар жумласидандир.

O'zLiDeP фракцияси аъзоларининг таъкидлашича, Давлат дастурида белгиланган замонавий сугоритиш тизимлари ва аграр технологиялар, энергия тежовчи технологияларни кенг жорий этиш каби вазифалар муваффақиятли ҳал этилишидан



O'zLiDeP фракцияси аъзоларининг таъкидлашича, Давлат дастурида белгиланган замонавий сугоритиш тизимлари ва аграр технологиялар, энергия тежовчи технологияларни кенг жорий этиш каби вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилишидан партия электорати ва биринчи навбатда фермерлар бевосита манфаатдор.

партия электорати ва биринчи навбатда фермерлар бевосита манфаатдор. Айнан замонавий аграр технологиялар йўналишида сармоляр киритувчи фермер ҳўжаликларини ва кичик бизнес субъектларини учун қатор кредит линияларини очилганлиги боис ушбу масалалар кишлоқ ҳўжалиги унумдорлиги ва иқтисодий самардорлигини янада оширишга сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

Эътиборли томони, парламент эшитувида тайёргарлик асносида бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кўмиталари томонидан 2010-2013 йиллари ушбу йўналишда ўтказилган назорат-таҳлил тадбирлари яқунда инвентаризациядан ўтказилиб, «Ер кодекси», «Сув ва сувдан фойдаланиш», «Гидротехник иншоотлар хавфсизлиги» ва «Экологик экспертиза тўғрисида»ги қатор қонунлар ижросини ўрганиш яқунлари оид қарорлар қандай бажарилаётгани мониторинг қилинди.

Таъкидлаш жоизки, шу кунга қадар O'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси ҳамда фракцияси томонидан жойларда давлат ҳокимияти маҳаллий органлари, тадбиркорлик ва фермерлик тизимлари вакиллари билан амалий учрашувлар ташкил этилгани, мазкур эши-

тувдан сўнг эса қатор вилоятлар ҳокимлари ҳамда тегишли масъул раҳбарларнинг Давлат дастурида белгиланган масалалар ижроси ҳақидаги ҳисоботларини халқ депутатлари вилоят кенгашлари сессияларида эшитиш режалаштирилаётгани эътиборга моликдир.

Айни пайтда O'zLiDeP фракцияси томонидан амалга оширилган назорат-таҳлил тадбирлари яқунлари кўра, бу соҳадаги ишларнинг самардорлигини янада ошириш бўйича бир қатор фойдаланилмаётган имкониятлар мавжудлиги ҳам қайд этиб ўтилади. Шунингдек, кишлоқ ҳўжалиги экинларини сугоритишнинг сувни тежовчи технологияларини жорий этиш жадвалларидан ортада қолиши каби ҳолатлар ҳам кузатилаётган. Бундан ташқари, ўрганиш жараёнида сув ресурсларидан ноқилина фойдаланиш ва коллектор-дренаж тармоқларини техник ҳолатига сув истеъмолчилари томонидан зарар етказилиши ҳоллари мавжудлиги маълум бўлди.

Бутунги кунда сўғориладиган ерларнинг салкам ярми турли даражада шўрланган 1 015 минг гектар ерда ер ости сувларининг жойлашиш даражаси 2 метргача бўлиб, бу Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг ижросини тўлиқ таъминлашни талаб этади.

O'zLiDeP фракцияси аъзо-

ларининг фикрича, бевосита фермер ҳўжаликлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан замонавий технологияларнинг жорий этилиши ва агротехника тадбирларини самарали ташкил этиш борасида, уларнинг нодавлат ноғижорат ташкилотлари ҳамда илмий-тадқиқот марказлари билан ижтимоий шериклик, шунингдек, кишлоқ ва сув ҳўжалигида кооперацион фаолиятнинг йўлга қўйилиши муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди. Давлат дастури ва тегишли қонун ҳужжатлари билан ижроси ҳақидаги ҳисоботларини халқ депутатлари вилоят таъсирчан парламент назоратини янада такомиллаштириш, сайловчилар ўртасида Давлат дастури, ерлар ва сув ресурсларини оқилона фойдаланишни таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатларининг мазмунини ва аҳамияти ҳақида кенг ахборот тушунириш ишлари ташкил этилиши лозим. Ўз навбатида, O'zLiDeP фракцияси аъзолари соҳага доир қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда Давлат дастурларининг сўзсиз бажарилиши учун масъул бўлган давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўртага ташланди.

Бир сўз билан айтганда, O'zLiDeP фракцияси аъзолари Ўзбекистон Республикаси Кишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги томонидан тақдим этилган ахборотни маълумлаш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилашни рағбатлантириш бўйича янги механизм ва усуллари жорий этиш каби масалаларга эътибор қаратишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблашни маълум қилди.

Бюджет ижроси депутатлар муҳокамасида

Давоми. Бошланчи 1-саҳифада ◀◀

— Давлат бюджетининг ҳаражатлар қисмида асосий эътибор таълим, соғлиқни сақлаш, аҳолини мақсадли ижтимоий қўллаб-қувватлаш, иш хақи, пенсия, стипендия ва нафақалар, биринчи даражали тўловларни ўз вақтида молиялаштириш, бюджет маблағларининг газна ижросини таъминлаш ва унинг самардорлигини оширишга қаратилди, — деди маърузачи. — 2013 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим вазифалари изчил амалга оширилаётгани натижасида иқтисодиётнинг юқори барқарор суръатларда ўсиши ва макроеқтисодий мувозанат таъминланди.

Белгилаб берилган устувор вазифаларнинг тизимли ижроси туфайли жорий йилнинг биринчи чорагида ҳам ижобий натижаларга эришилди. Жумладан, мамлакат-

нинг ялпи ички маҳсулоти 7,5 фоизга ўсди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 8,9, кишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,2, хизматлар кўрсатиш 11,8 фоизга қўнайди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз миқдорда профицит билан ижро этилди. Инфляция даражаси прогноз параметрларидан ошмади.

O'zLiDeP фракция аъзолари ҳисобот даврида кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермер ҳўжаликларини рағбатлантириш бўйича олиб борилган ишларга алоҳида эътибор қаратдилар. Таъкидланганидек, мамлакатимизда хусусий секторнинг хар томонлама қўллаб-қувватлаши унинг иқтисодий ётилишига ўрни тобора мустаҳкамлашида муҳим омил бўлмоқда. Бу эса соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги ул-

ши 55,8 фоизга ўсишига хизмат қилди. Зеро 2000 йилда мазкур кўрсаткич 31 фоизни ташкил этарди.

Муҳокамалар чоғида тадбиркорлик субъектлари ва фермер ҳўжаликлари, шунингдек, турли соҳалар ривожланиши учун ажратилаётган бюджет маблағларини ўзлаштиришда айрим қийинчиликлар сақланиб қолаётгани қайд этилди. Депутатларнинг фикрича, бу жиҳат айниқса сайловчилар билан юзма-юз мулоқотларда яққол намоён бўлмоқда. Фракция аъзолари бундай муаммоларнинг ўз вақтида баргараф этилишида қуйи палатанинг назорат функцияларидан самарали фойдаланиш лозимлигини таъкидлашди.

Йиғилиш якунида кун тартибига киритилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Фракция қонун лойиҳаларини маълумлади

O'zLiDeP фракциясининг навбатдаги йиғилишида «Ижтимоий шериклик тўғрисида» ҳамда «Тижорат сирини тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари лойиҳалари иккинчи ўқишда муҳокама қилинди

«Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» талаблари доирасида ишлаб чиқилган «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун фуқаролик жамияти институтларининг ролини янада кучайтиришга қаратилган бўлиб, ундан қўзланган асосий мақсад ижтимоий-иқтисодий дастурларни амалга ошириш, юртдошларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларини химоя қилишда ННТларнинг давлат органлари билан ўзаро муносабатларини такомиллаштиришдан иборатдир.

— Шу кунгача қонун лойиҳасини маромига етказиш мақсадида жами 78 та тадбир, хусусан, қатор конференциялар, давра суҳбатлари ва семинарлар ўтказилди, — деди Демократик институтлар, нодавлат ноғижорат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси раисининг ўринбосари Адхам Шодмонов. — Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида уюштирилган мулоқотларга 2800 дан ортик кенг жамоатчилик вакили ва ННТлар жалб қилинди.

Фракция аъзоларининг

фикрича, қонун лойиҳасида давлат органларининг ННТлар билан ўзаро муносабатларининг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари, ижтимоий масалаларни ҳал этишда уларнинг иштирок қилиш шакллари ва усуллари ҳам мустаҳкамланмоқда. Зеро ривожланган мамлакатлар таърибасида давлат ва ННТлар ўртасидаги ҳамкорликка бирламчи эътибор қаратилган бўлиб, ижтимоий шерикликнинг изчиллигини таъминловчи ташкилий-ҳуқуқий механизмлар қонунларда акс этган.

Шунинг учун ҳам парламент қуйи палатасида қизгин муҳокама этилаётган «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг асосий қондалари сифатида ижтимоий шериклик тушунчаси, унинг субъектлари ва принциплари га тўла таъриф берилаётди. Унда аҳолини ижтимоий химоя қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, фуқароларнинг ҳуқуқий билим ва маданиятини ошириш ННТлар фаолиятининг асосий йўналиши этиб белгиламоқда.

«Тижорат сирини тўғрисида»ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда қўриб чиққан депутатлар унинг қабул қилиниши би-

лан ҳўжалик субъектларининг тижорат ёки бошқа сирини ташкил қилувчи ахборотдан ноқонуний тарзда фойдаланишининг олди олиншини эътироф этилди.

O'zLiDeP фракцияси аъзоси Нуритдин Муртовонинг таъкидлашича, махфий ахборот, тижорат сирини ва бирор бир сирининг турига дахлдор қондалар қатор ҳужжатларда ўз ифодасини топади. Бирок ушбу масаладаги ҳуқуқий ёндашувлар, тижорат сирини химоя қилиш институтининг мазмун-моҳияти қонун ҳужжатларида бир хил акс эттирилмаган. Норматив-ҳуқуқий базанинг етарли эмаслиги ва соҳага доир қатор масалаларнинг тўлиқ ўрганиб чиқилмаганини боис хар доим ҳам махфий ахборотнинг сақланишини таъминлаш, тижорат сирини эғалик қилиш ҳуқуқини қайтариб олишнинг имкони йўқ.

Шу боис ҳам «Тижорат сирини тўғрисида»ги қонун лойиҳаси хориз таърибасини ўрганиш, шунингдек, махфий ахборот тўғрисидаги миллий қонун ҳужжатларини, тижорат сирини ва бошқа сирларни ташкил қилувчи ахборотни инобатга олган ҳолда яратилгани эътиборга лойик.

Бир сўз билан айтганда, мазкур қонун лойиҳасида тижорат сирини ташкил қилувчи асосий тамойиллар ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланган. Ушбу тоифага кирувчи ахборотнинг моҳияти, тушунчаси ва турлари, уни тақдим қилиш, ошқор қилиш ва руҳсатсиз ошқор этишланги учун жавобгарликни белгилаш механизмлари кўрсатиб берилган.

Фракция аъзоларининг фикрича, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ахборотни тижорат сирини тоифасига қўйиш, уни тизимлаштириш ва тақдим қилиш масалаларини тартибга солиш борарида бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий манфаатларини янада ишончли химоя қилиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Йиғилишда, шунингдек, биринчи ўқишда киритилган «Микромолия тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 12-моддасида ўзгариш киритиш ҳақида, «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги қонунга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳалари ҳам атрофлиқ муҳокама қилинди ва уларни маълумлаш хусусида тегишли қарорлар қабул қилинди.

Қўмита қатъий назорат ўрнатди

Давоми. Бошланчи 1-саҳифада ◀◀

Акбар МУЗАФФАРОВ,
«XXI asr»

Шу жиҳатдан олиб қараганда, юқоридаги қонун юксак андозаларга жавоб берадиган янги йўллари қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш, транспорт-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантиришга ҳуқуқий асос яратиб бергани билан аҳамиятлидир. Бу борда Андижон, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида самарали ишлар олиб борилаётди.

Йиғилиш иштирокчилари эътироф этганидек, истиқлол шарофати билан Ўзбекистонда барча соҳалар қатори йўлсозлик ҳам жадал суръат билан ривож топти. Жаҳон таърибасидан келиб чиққан ҳолда сифат кўрсаткичларини йилдан-йилга яхшилаш баробарида магистраль йўл ёқаларида хизмат кўрсатиш инфратузилмалари шакллантириляпти.

Айни пайтда мамлакатимиз автомобиль йўллари тармоғининг умумий узунлиги 184 минг кмдан иборат бўлиб, шундан умумий фойдаланишдаги йўллар 42654 км., ҳўжаликлараро кишлоқ автомобиль йўллари 67274 км., шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари йўллари 61664 км., қорхоналарга қарашли йўллар 5462 км. ва идоравий инспекторлик йўллари 6631 км.ни ташкил этади. Шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари, шунингдек, ҳўжаликлараро кишлоқ автомобиль йўллари узунлиги умумий автомобиль йўллари тармоғининг 70 фоизини эгаллайди. Уларни сақлаш ва таъмирлаш борасида ҳам муайин ишлар амалга ошириб келинаётди.

«Автомобиль йўллари тўғрисида»ги қонуннинг 7-моддасида айнан ички йўллари қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг транспорт инфратузилмасини ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишга доир вазифалар белгиланган бўлса, 13-моддада

ушбу йўллари молиялаштириш маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши кўзда тутилган.

— Назорат-таҳлил фаолияти давомида қўмитамизга фуқаролардан ушбу қонуннинг 7, 13-моддалари ижроси билан боғлиқ қўллаб қўрғатилар келиб тушаётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз, — деди O'zLiDeP фракцияси аъзоси Соҳибжон Исмомов. — Бу масала, айниқса, сайловчилар билан юзма-юз мулоқотларда яққол кўзга ташланмоқда. Шу боис ҳам қўмита ишчи гуруҳи томонидан қонуннинг 7, 13-моддалари нормаларининг ижроси билан боғлиқ масалалар Андижон, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида қисқа муддатда ўрганилиб, ҳўжаликлараро автомобиль йўллари сақлаш, таъмирлаш борасида олиб борилаётган ишларга ажратилган маблағлар миқдори ва уларнинг ўзлаштирилиши атрофлиқ таҳлил қилинди.

Йиғилишда ушбу вилоятларда амалга оширилган ижобий ишлар билан бир қаторда ечимини қутаётган айрим масалалар ҳам мавжудлиги айтиб ўтилади. Жумладан, ички йўллари маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириш жараёнининг мураккаблиги, нефть-битум маҳсулотларининг етишмаслиги, энг асосийси, мутасадди ташкилотларнинг моддий-техника базаси бутунги кун талабларига жавоб бермаслиги таъкидланди. Шунингдек, шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг кўчаларини лойиҳалаш соҳасидаги стандартларга риоя этилмаётганлиги, йўллари таъмирлаш ҳамда сақлаш ишларининг сифати таъминланмаганлиги, ички қўчаларнинг ҳисоботи юритилмаганлиги, автомобиль йўллари қуришга ихтисослашмаган ташкилотлар жалб этилаётганлиги, автомобиль йўллари соҳасида кадрларни тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш ишларига эътибор сустлиги кўзга ташланди.

Шунинг учун ҳам йиғилишда умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари лойиҳалаш соҳасидаги ҳуқуқий метёерларга риоя этиш, реконструкция, таъмирлаш ва сақлаш ишлари сифати устидан парламент назоратини кучайтириш, транспорт воситалари хавфсизлигини таъминлаш каби масалалар ҳам долзарб аҳамият касб этиши таъкидланди ҳамда муҳокама этилган масалалар юзасидан қўмитанинг тегишли қарорини қабул қилинди.

— Назорат-таҳлил фаолияти давомида қўмитамизга фуқаролардан ушбу қонуннинг 7, 13-моддалари ижроси билан боғлиқ қўллаб қўрғатилар келиб тушаётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз, — деди O'zLiDeP фракцияси аъзоси Соҳибжон Исмомов. — Бу масала, айниқса, сайловчилар билан юзма-юз мулоқотларда яққол кўзга ташланмоқда. Шу боис ҳам қўмита ишчи гуруҳи томонидан қонуннинг 7, 13-моддалари нормаларининг ижроси билан боғлиқ масалалар Андижон, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида қисқа муддатда ўрганилиб, ҳўжаликлараро автомобиль йўллари сақлаш, таъмирлаш борасида олиб борилаётган ишларга ажратилган маблағлар миқдори ва уларнинг ўзлаштирилиши атрофлиқ таҳлил қилинди.

Шунинг учун ҳам йиғилишда умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари лойиҳалаш соҳасидаги ҳуқуқий метёерларга риоя этиш, реконструкция, таъмирлаш ва сақлаш ишлари сифати устидан парламент назоратини кучайтириш, транспорт воситалари хавфсизлигини таъминлаш каби масалалар ҳам долзарб аҳамият касб этиши таъкидланди ҳамда муҳокама этилган масалалар юзасидан қўмитанинг тегишли қарорини қабул қилинди.

Фаровонлик МЕЗОНИ

Маълумки, яқинда пойтахтимиздаги Симпозиумлар саройида Президентимиз Ислоҳ Каримов ташаббуси билан «Ўзбекистонда Озик-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари» мавзuida халқаро конференция ўтказилиб, унда кўплаб хорижий давлатлар, нуфузли халқаро ташкилотлар ва молия институтлари, 40 дан зиёд мамлакатнинг етакчи экспертлари ва ишбилармонлари иштирок этишди



Соатмурод КУЛМИРЗАЕВ,
O'zLiDeP Siyosiy Kengashi
Ijroiya kumitasi mas'ul
xodimi

Жаҳонда озик-овқат маҳсулотлари бўлган талаб-эhtiж орғиб бораётган хозирги шароитда Ўзбекистон аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашнинг муҳим омилларидан бири сапалган кишлоқ хўжалиги ҳамда қайта ишлаш саноатини тараққий эттириш, озик-овқат дастурини амалга ошириш борасида салмоқли ютуқларга эришмоқда. Халқаро конференция ана шу соҳадаги илғор тажрибаларни оммалаштириш, халқаро ҳамжамият ва хорижий экспертларни кишлоқ хўжалиги истиқболлари билан яқиндан таништиришга қаратилгани билан алоҳида аҳамиятга эгадир.

Президентимизнинг мазкур анжумандаги маърузасида хар томонлама чуқур таҳлил этилган рақамлар ҳеч қимми бефарқ қолдирилмади. Зеро, унда кейинги йилларда агросаноат тизимини тубдан ислоҳ қилишга давлат қароридан ташкил қилиниши, мамлакатимизда ва бутун дунёда озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўзда тутилган ишларни амалга оширишнинг муҳим захиралари мавзuidaги Президентимизнинг маърузаси юзасидан вилоят ҳокими, шунингдек, бир қатор туманларда ўтказилган йиллик маълумотларга асосланган рақамлар аниқроқ кўрсатилган.

Дунёда озик-овқат маҳсулотларининг баҳоси 40-50 фоизга ошгани кузатилади бир пайтда Ўзбекистонда муҳтарам Юртбошимиз раҳнаомлигида соғлом турмуш тарзи ва аҳоли фаровонлигини таъминлашга қаратилган ислоҳотларни амалга оширишнинг муҳим захиралари мавзuidaги Президентимизнинг маърузаси юзасидан вилоят ҳокими, шунингдек, бир қатор туманларда ўтказилган йиллик маълумотларга асосланган рақамлар аниқроқ кўрсатилган.

Жумладан, қалла мустақиллигига эришилганлиги, аҳоли жон бошига нисбатан асосий озик-овқат маҳсулотлари етиштириш бир неча баравар кўпайганлиги, самарасиз ширкат хўжаликлари ўрнида фермерлик тизимлари ташкил этилганлиги, маҳсулотни етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш (экспорт қилиш)нинг аниқ тизими йўлга қўйилганлиги таҳсинга лойиқдир.

Ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг озик-овқат сисъати-га жаҳонда илғор тажриба сифатида қаралаётганлиги ва Бирлашган Миллатлар Ташкилати томонидан дунё мамлакатларига тавсия этилаётганлиги ҳам беҳиз эмас.

Албатта, иқтисодиётни либераллаштириш, бозор ишловларини чуқурлаштириш, озик-овқат ҳавфсизлигини таъминлаш давлат ва жамиятнинг муҳим стратегик вазифаларидан ҳисобланиб, ҳеч қачон ўз долзарблигини йўқотмайди. Уларнинг ижобий ечими кўп жиҳатдан O'zLiDeP' электорати саналган тадбиркорлар ва фермерларнинг самарали фаолиятига боғлиқдир. Бу эса аҳоли фаровонлиги, озик-овқат мўл-кўлини йўлга қўйиш ва ташаббускорлик билан иш олиб боришни таъминлайди.

Замин саховати

Ҳозирги кунда Самарқанд вилоятида сақам 37 минг гектар ерда етиштириладиган мева ва узум нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам ўз харидорини топмоқда

Муҳаббат РАВШАНОВА,
«XXI asr»

тоқзорларга ишлов бериш орқали наминки ушлаб қолишга ҳаракат қиламиз. Маҳаллий ва минерал ўғитларни ўз вақтида етказиб бериши йўлга қўйганимиздан сўнг хар гектардан 10-11 тоннадан ҳосил ола бошладик.

Илгари ширкат хўжаликлари ихтиёрида бўлган бу майдонларнинг гектаридан уч, нари бора тўрт тоннадан ҳосил олинарди. Бу эса юрти-мизда бутунли кунда фермерларга қаратиладиган эътибор, уларга яратилган имтиёзларнинг самарасидир. Утган йиллар давомида куёшнинг қайноқ тафтида етишган узумларни қуритиб, майиз ҳолида асосан ички бозорга чиқарган бўлсак-да, яқин келажакда уни экспорт қилишни ҳам режалаштиряпмиз.

Ўз навбатида, Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг Тошкентда бўлиб ўтган халқаро конференциянинг очилиш маросимида сўзлаган нутқи менда катта таассурот қолдираганини айтиб ўтмоқчиман. Зеро, озик-овқат дастурининг ижро этилишида

мамлакатимизда амалга ошириладиган ишлар, хусусан, кишлоқ хўжалик маҳсулотлари кўпайтириш мақсадида аграр тармоққа қаратиладиган эътибор ҳақида батафсил маълумот берган Юртбошимиз фойдали модуллар, витамин ва микроэлементларнинг асосий қисми фақатгина сабзавотлар, мева ва узум таркибида бўлишини, уларнинг ўрнини бошқа ҳеч қандай маҳсулот боса олмаслигини алоҳида таъкидлагани меҳнатимизга ва ҳосилдор еримизга берилган юксак баҳо ҳодир. Бундай таърифдан сўнг кучимизга қуч, ғайратимизга ғайрат қўшилиши табиий.

Ёшларнинг шижоати бизга ақолини аниқ. Ҳосилдорликни ошириш мақсадида тоқзорларга ишлов беришда зарур техникани харид қилиш ҳамда бўш турган жойга узумни қайта ишловчи технологияларни олиб келиб ўрнатилиши кўзда тутилган. Ана шунда тайёр маҳсулотимизни четга сотиш имкоияти янада кенгайди.

«Зенит» балиқчи фермерларни чорламоқда

21 июнь куни пойтахтимиздаги «Зенит» заводда «Фарелчилик — Ўзбекистон фермерлари учун истиқболли бизнес йўналиш» номи тренинг ташкил этилиши маълум қилинмоқда. Sreda.uz сайтида берилган хабарга кўра, Глобал экологик фонднинг Ўзбекистондаги Кичик грантлар дастури томонидан (ГЭФ КГД) ЎзФА билан ҳамкорликда ташкил этиладиган тадбирда мутахассислар йиғилганларга фарелнинг биологик хусусиятлари, мазкур балиқ тури етиштириладиган сув ҳавзалари қандай талабларга жавоб бериши кераклиги, унинг кўпайиши, озиклигини, шунингдек, ушбу йўналишдан олиниши мумкин бўлган молиявий фойда ҳақида маълумот берилади. Амалий машғулотлар ГЭФ КГД лойиҳаси асосида «Зенит» заводи ҳудудида барпо этилган сунъий ҳавзаларда ташкил этилади.

Шухрат ХҲАЕВ.

Узоқни кўзлаган ислоҳотлар самараси

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Зиёдулла МҲМИНОВ,
«XXI asr»



— Мамлакатимизда фермерлик ҳаракати учун кенг йўл очилган, — деди ўз сўзида O'zLiDeP Siyosiy Kengashi Ijroiya kumitasi raisi, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши раиси Солиқдор Турдиев. — Бунга биргина Тошкент вилояти мисолида ҳам кўриш мумкин. Яратилган қулай шарт-шароитлар туфайли қалладан 50 центнер, шахтадан 40-45 центнердан ҳосил олаётган фермерлар сафи тобора кенгаймоқда. Уларнинг захматли меҳнати, фидойилиги ва ташаббускорлиги хар қанча таҳсинга лойиқдир. Яқинда Тошкентда бўлиб ўтган халқаро анжуманда Президентимиз фермерлар фаолиятига яна бир қарра юқори баҳо бериб, агросаноат тизимида эришилган ютуқларнинг бош омилли меҳнаткаш халқимиз эҳлатини таъкидлади. Халқаро конференция вакиллари ҳам жойларда бўлиб, соҳада олиб бориладиган ишлар билан яқиндан танишди, бундай нуфузли анжуман мамлакатимизда ўтказиладигани бежиз эмаслигини яна бир қарра эътироф этишди. Зеро, Ўзбекистон таъинан йўл эркин тараққий ва фаровонлик йўлидир.

Оққўрғон туманидаги «Ислоҳ» фермер хўжалиги бошлиғи Ислоҳ Турсунбоев биз билан суҳбатда қўйилганларни гапириб берди:

— Биласизми, бугунги фермер жамиятнинг фаол аъзоси сифатида дунёда ва мамлакатимизда юз бераётган воқеа-ҳодисалардан яхши хабардор бўлиши, ўз сиёсий дунёқарабини кенгайтириб бориши лозим. Пахта ва қалла етиштириш ўз йўлига. Лекин давр билан ҳаммадан бўлиб барчасидан муҳимроқдир. Мухтарам Президентимиз халқаро конференцияда республикамизда кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари салмоғи кўпайиб, манфаатдорлик охиб бораётганини алоҳида таъкидлади. Маърузани тинглар эканми, эришилган ютуқларда биз, фермерларнинг ҳам озми-кўми ҳиссаси борлигини фахрландик. Хўжалигимиз 1999 йилда ташкил этилган бўлиб, илгари техника ва бошқа

воситалардан анча қийналардик. Эндиликда барча шарт-шароит мухайё. Шу боис пахта ва қалладан юқори ҳосил олаёми. Биргина ўтган йили ўз ҳисобимизда салкам 60 тонна дон қолди. Йиллик умумий даромадимиз 150 миллион сўмдан ошди. Умуман, бугун ҳалол меҳнат қилган одам муродига етиб, элда обрў-эътибор топтомоқда. Қолаверса дунёга фақат саноати, қазилма бойликлари билан эмас, балки ширин-шакар меvasи, узуми, қовун-тарвузи билан ҳам бўй кўрсатаётган жаннатмакон юртимиз, унинг озик-овқат захираларини, тўқчиликнинг уюлидан кўриб, нонинг бирор ушогини, поллиз маҳсулотларини, узумнинг бирор шинглини нобуд қилмайдиган халқимиз олдига хар қанча таъзим қилсак арзийди. Дунёда ўзбек заминидек унмудор, саховатли замин бўлмас керак.

— Мен халқаро конференция иштирокчиларининг юртимиздаги дехқончилик маданияти, сарҳил дехқончилик маҳсулотлари етиштиришга оид фикрларини тинглаб, қувондим, — дейди оққўрғонлик яна бир фермер Холлабор Холсаидов. — Юртимизда эрта ҳақида бутундан ўйлайдиганлар, яхшидан боғ қолайди ақидасига амал қилиб яшайдиганлар оз эмас, албатта. Узим ҳам улар сафида эканимдан фахрланаман. Бирор йил йўқки, давлат билан тузилган шартнома удаланмаган бўлса. Чунки қанча кўп

ҳосил етиштирсак, бундан ўзимиз шунча кўпроқ манфаат кўрамиз. Мустақилликнинг дастлабки йилларида республикамизда қалладан атиги 9-10 центнердан ҳосил олинган бўлса, бу кўрсаткич ўтган йили мамлакат бўйича 50 центнердан ошди, жами 7 млн. тоннадан зиёд хирмон тикланди. Хўжалигимизда келсак, 2013 йилда 60 центнердан ҳосил йиғиштириб олдик. Ўз ҳисобимизда 60 тоннадан ортиқ дон қолди. Яқин келажакда хўжалигимизни кўп тармоқли фермер хўжалигига айлантириш, маҳаллий саноатни ривожлантириш, шу ҳисобдан ёшлар учун 10 дан зиёд иш ўрни яратишни ният қилганмиз.

Тошкент вилоятида бугунги кунда 6250 га яқин фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Утган йилдан бошлаб сабзавот, поллиз, мева ҳамда узум етиштиришни кўпайтириш мақсадида Янгиёул тумани боғдорчилик, узумчилик ва қаллачиликка ихтисослаштирилган фермер хўжалиги иш олиб бормоқда. Уларга 20 минг гектардан ортиқ ер майдони бириктирилган бўлиб, олинадиган ҳосил салмоғи тобора кўпайиб бормоқда.

— Утган йили қарийб 40 тонна олма, 189 тонна узум етиштириб, шу ҳисобдан 100 миллион сўмдан ортиқ даромад олдик, — дейди паркетчилик фермер Аёмидин Минхожидинов. — Энг муҳими, етиштирилган ноз-

иёматларнинг бир қисми вилоятимизда фаолият кўрсатаётган агрофирма орқали хорижага экспорт қилинаёти. Асосий истеъмолчилар эса маҳаллий аҳоли саналади. Дастурхонимиз қанча тўқин бўлса, шунча яхши-да. Ички бозорларимиз ҳимояси, ҳавфсизлигини сақлаш ўз қўлимизда эҳлатини унутмаслигимиз лозим. Шунинг учун ўз даромадимиз ҳисобига қалла етиштирилган маҳсулотларини сақлашга мўлжалланган омборхона қурдик. Юртбошимиз халқаро конференцияда таъкидлаб ўтганидек, дастурхонимиздан мева-чева асло узилмаслиги, пишиқчиликдан пишиқчиликкача етиб боришни керак.

Мухтасар қилиб айтганда, «Ўзбекистонда озик-овқат дастури» амалга оширишнинг муҳим захиралари мавзuidaги халқаро конференцияда Президентимизнинг маърузаси юзасидан вилоят ҳокими, шунингдек, бир қатор туманларда ўтказилган йиллик маълумотларга асосланган рақамлар аниқроқ кўрсатилган.

Коллеж битирувчиларининг кичик корхоналари

ФАРҲОНАЛИК ЁШ ФЕРМЕРЛАР O'zLiDeP Дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, хусусан, янги иш ўринлари очиш масалаларига алоҳида эътибор қаратаётгани диққатга сазовордир

Ахроржон МУСУРМОНОВ,
«XXI asr»

Таъкидлаш жоизки, вилоятдаги 12377 нафар партия аъзосининг 5718 нафари ёшлардир. Мавжуд 412 та БПТнинг 150 дан ортинга раислик қилаётган ёш етакчилар бошланғич ташкилотларда ўтказиладиган тадбирларда партиявий лойиҳаларнинг мазмун-моҳиятини тарғиб қилишдан ташқари бандликни таъминлашга ҳам кўмаклашмоқдалар. Масалан, Олтинарк туманидаги «Ойбек Илс Икром» фермер хўжалигини бошқараётган 20 ёшли Илсбек Мухаммадвалев 44 гектар пахта ва 41 гектар қаллазор каровини оби тобига келтириш билан бирга бошланғич ташкилотта етакчилик қилипти.

— Қуйи бўғинимиз аъзолари 40 нафарга сди. Уларнинг 23 нафари ёшлардир, — дейди Илсбек. — Яқинда кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантиришга бағишланган давра суҳбатимизда узум етиштириш хусусида маслаҳатландик. Режамизни рўёбга чиқара олсак, яна 8 нафар йипт-қизни иш билан таъминлаймиз.

Риштонлик «Ўл Обод Юрт» фермер хўжалиги раҳбари Улуғ

бек Қозихонов ҳам пахта-қалла йўналишида жонбозлик кўрсатган ёш таъкидчилардан. Яқинда у фермер хўжалиги ҳосилда автоматбиларга техник хизмат кўрсатиш шохобчасини очиб, 4 нафар тенгқурили ишли қилди. Умуман олганда, бугунги кунда Фарғона вилоятида жами 7737 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатаётган бўлса, шуларнинг 3549 тасини 35 ёшгача бўлган ишжоватли йипт-қизлар бошқармоқда.

— Мамлакатимизда фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга доир қабул қилинган қатор фармон ва қарорлар моҳиятини тўғри англаб етётган ёшлар сони тобора орғиб бораётипти, — дейди O'zLiDeP вилоят кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Юсуфжон Юсуфов. — Улар орасида партиямиз аъзолари кўпчилигини ташкил этаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Сўзимиз исботи сифатида вилоятдаги фермер хўжаликлари раисларининг 825 нафари O'zLiDeP аъзоси, уларнинг қарийб ярми эса айнан ёшлар эҳлатини айтиб ўтиш мумкин.

Ўз навбатида, кичик бизнес вакиллари ҳам вилоятда бандлик таъминлашда фермерлардан ортда қолмаётганини

айтиш лозим. Хусусан, Олтинарк туманида босмаҳона ва полиграфия хизматини йўлга қўйган «Best Media Printer» хушхўш корхонаси раҳбари Абдусхон Холматов 18 та, Тошлоқ туманида ўқув марказини ташкил қилган «Қамолот — келажак минбари» корхонаси таъсисчиси Абдунаби Сулаймонов 30 та иш ўрни яратишга муваффақ бўлишди.

Қолаверса, O'zLiDePнинг «Душлом билан — бизнесга» лойиҳаси шаҳар ва туман кўчаларида иштирок этган 4000 дан ортиқ битирувчиларнинг кўпчилиги ўз бизнесини йўлга қўйиш давомида тенгдошларини ишга жойлаштиришни кўзда тутганини маълум қилган.

— Лойиҳа иштирокчилари орасидан 400 нафар ишбилармонлик кўшиқмалари шаклландиган ёшлар саралаб олинди, — дейди Ю.Юсуфов. — Режага мувофиқ, вилоят босқинчида улар учун икки кунлик ўқувларни ташкил этишни максат қилганмиз. Семинарлар давомида бўлажак тадбиркорларга «Бизнес-режа шма ва уни ёзиш талаблари», «Тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи қонуний-меърий ҳужжат-лари» учун жорий қилинган со-

ликлар» каби мавзуларда амалий машғулотлар ўтилди.

«Душлом билан — бизнесга» лойиҳасининг вилоят босқинчи йўналиши олган тўрт нафар битирувчи ўз бизнес-режасини ҳаётга татбиқ этиб, айни пайтда фаолиятини кенгайтириш устида бош қотирмоқда. Улардан бири Бағдод педагогика коллежини битирган Дилхўмор Мухаммадҷонова 15 млн. сўмлик кредит ҳисобига тикуччилик цехини очиб, 4 нафар дунюнасини иш билан таъминлади. Шу тариха Олтинарк маҳаллий хизмат коллежи битирувчиси Дилафрўз Иброҳимова миллий либослар тикиш, шу тумандаги иқтисодиёт коллежини тамомлаган Мадинахон Раҳимова сут маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича кичик корхоналарини ташкил этган бўлса, Риштон транспорт коллежи битирувчиси Ислоҳжон Каримов оилавий корхонага асос солиб, ўнлаб ёшларни иш билан банд қилишди.

Хўюса қилиб айтиш мумкинки, Фарғонада ишнинг қўзғини биладиган, бир сўзга, азни қатъий фермер тадбиркорлар бор экан, вилоятда партия аъзолари сафи янги-яни қучлар билан кенгайиб бораётибди.

Худудларда

Ёнилгидан узилиш бўлмайди

Миллий матбуот марказида «Ўзнефтьмаҳсулот» акциядорлик компанияси томонидан «Галла ўрими» йилги мавсумида фермерларни ёнилгимойлаш материаллари билан узлуксиз таъминлаш» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Тадбирда таъкидланишича, галла ўрими йилги мавсумида фермер хўжаликларига 1380 дан ортиқ ёнилги тарқатиш шохобчаси хизмат кўрсатади. — Фермерларга ёнилгимойлаш, эҳтиёт қисмлар етказиб бериш, техник хизмат кўрсатиш ишлари тизимли йўлга қўйилгани қишлоқ хўжалиги техникаларининг тўхтовсиз ҳаракати таъминламоқда, — деди «Ўзнефтьмаҳсулот» акциядорлик компанияси бошқарма бошлиғи Дилшод Ҳакимов. — Жорий йилги галла ўрими йилги мавсумига 3600 дан зиёд комбайн ҳамда 14 мингдан ортиқ ташиш техникалари жалб этилган. Мавсумда ўрими йилги ва шудгорлаш учун дала бошига 28 минг тонна нефть маҳсулотлари етказиб бериш мўлжалланмоқда.

Рисолат МАДИЕВА.

Эътирофга лойиқ ишлар

Яқинда «Булунгур автойўловчилар» МЧЖ раҳбари, халқ депутати тўман кенгаши депутати Алижон Аҳмедов номига жами 16 минг нафар аҳоли яшайдиган Фозил Йўлдош, Шўрбеда, Эрганаки ҳамда Мингчинор қишлоқ фуқаролар йиғинлари фаолларидан ташаккурнома келди. Унда аҳолининг тадбиркор савий-ҳаракатлари билан ана шу манзилларда транспорт қатнови намунали йўлга қўйилганидан мамнулиги билдирилган.

Дарҳақиқат, ўтган йили Самарқанд шаҳрида қатнайдиغان йўналишлар учун 10 та «ISUZU» автобусини харид қилган тадбиркор жорий йилда тўман марказини узоқ қишлоқлар билан боғлаш учун 15. Булунгур шаҳрининг ўзида йўлга қўйилган йўналиш учун эса яна 5 та автобус сотиб олиб, фаолиятини кенгайтирди.

Эътиборлиси, янги йўналишларнинг ақсариёти касб-хунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари ўзиндан ўтади.

Муҳаббат РАВШАНОВА.

Ҳар бири етти миллион. Навбат — Варганзага

Табиати муҳофаза қилиш жағфармаси ҳисобидан Касби туманидаги Комилон ва Юқори Маймақоқ қишлоқ врачлик пунктлари ҳар бирининг қиймати 7 миллион сўми ташкил этадиган қўш батареялари ўрнатилди.

Қаҳшадарё вилоят табиати муҳофаза қилиш бошқармаси бўлими бошлиғи Баҳодир Аллаевнинг таъкидлашича, мазкур чора-тадбирлар аҳолига кўрсатилаётган табиий хизмат сифатини яхшилаш мақсадида амалга оширилмоқда. Режага мувофиқ «Соғлом бола йили»да Китеб туманидаги Варганза қишлоқ врачлик пункти ҳамда Шаҳрисабз туманидаги «Мурувват» аёллар уйи ҳам худди шундай батареялар билан таъминланади.

«ДИПЛОМ БИЛАН — БИЗНЕСГА»

Келажаги буюк юртнинг бунёдкор ёшлари

О‘зЛиДеР Бухоро вилоят кенгаши томонидан ўтказилган «Диплом билан — бизнесга-2014» партиявий лойиҳаси доирасидаги ўқув курсларида фаол иштирок этган иқтидорли талабалар инновацион ғояларини рўйбга чиқариш борасидаги қатъий интилишлари боис ана шундай таърифга муносиб кўрилди

Шухрат РАХИМОВ,
«XXI asr»



Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг изланишлари, тадбиркорлик ва ишбилармонлик интилишларини рағбатлантириб бориш О‘зЛиДеР фаолиятининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Ана шу дастурий вазифалардан келиб чиққан ҳолда партия Президентимизнинг «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ҳамда «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида «Диплом билан — бизнесга» лойиҳасини туманлар ва вилоятлар кесимида изчил амалга ошириб келмоқда.

Яқинда мазкур лойиҳанинг вилоят босқичи якунига бағишланган тадбирда партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, О‘зЛиДеР Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси Ёшлар билан ишлаш бўлими мутахассислари, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши хулудий бўлинмаси, Марказий банкнинг вилоят бош бошқармаси ҳамда тижорат банклари вакиллари қатнашдилар.

О‘зЛиДеР вилоят кенгаши раиси Фармон Аминовнинг таъ-

кидлашича, жорий йилги лойиҳада 1150 нафар талаба иштирок этиш истагини билдирган бўлиб, бу ўтган йилгига нисбатан икки баравар кўпдир. Тижорат банкларининг вилоятдаги филиаллари томонидан битирувчиларнинг ўз бизнесини йўлга қўйиш учун 2014 йил давомида жами 1 млрд. 995 млн. сўмлик кредит ажратиш режалаштирилган бўлса, ҳозирги кунга қадар 950,5 млн. сўмдан ортиқ маблағ ана шу мақсадга йўналтирилган.

Икки кун давом этган тадбирда иштирокчиларга «Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаштириш масалалари», «Тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий-метёрни ҳужжатлар», «Хусусий сектор субъектларини давлат

рўйхатидан ўтказиш тартиблари», «Бизнес-ғоя танлаш ва бизнес-режа тузиш» каби мавзуларда маърузалар ўқилди.

Тажрибали мутахассислардан йўл-йўриқ ва тавсиялар олган касб-хунар коллежлари талабалари бизнесни бошлашдаги дастлабки ва кейинги босқич жараёҳларида учрайдиган баъзи бир муаммоларни ечиш амалиётининг самарали усулларини ўрганишди. Бу эса ёшларнинг салоҳияти катламини шакллантириш ҳамда уларнинг фаоллигини қўллаб-қувватлаш, олган билимларини амалиётда қўлланилиши учун лўйиҳаларни, партия фаолиятидаги иштироки, «Диплом билан — бизнесга» лойиҳасининг вилоят босқичида «Меваларни қуриштириш ва қайта ишлаш» номли бизнес-режаси би-

лан иштирок этган Бухоро иқтисод ва банк коллежи талабаси Мухайё Тўраева бу ҳақда шундай деди:

— Мен тижорат банкларининг 5 млн. сўмлик имтиёзли кредити эвазига анжирини қуришга уқсуна сотиб олмоқчиман. Чунки анжирдан тайёрланган доридармонлар кўпгина касалликларга даво бўлиб, бундай табиий воситалар анча қиммат турлади. Шунинг учун ҳам ушбу лойиҳа орқали анжир мевасини қуришга холда нафақат ички, балки ташқи бозорга ҳам олиб чиқмоқчиман. Мазкур лойиҳамни амалга оширсам, қамда 5 та янги иш ўрни яратилади.

О‘зЛиДеР вилоят кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Азиз Ҳакимовнинг айтишича, ҳақамлар хайъати аъзолари Бухоро солиқ колле-

жидан Муҳаммад Панов, Бухоро тиббиёт коллежидан Дилнора Махмудова, Шифокор саноят ва миллий хунармандчилик коллежи талабалари Дилноза Собирова, Дилшода Телмонованинг бизнес-режаларига ҳам юқори баҳо берилди. Лойиҳада муносиб иштирок этган 30 нафар битирувчи талабага ўз бизнес-режасини амалга ошириш учун тижорат банкларидан имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилган.

Энг муҳими, ўқув семинар жараёҳида барча бизнес-режалар ташкилотчилар томонидан гулқўриб чиқилиб, камчиликларини тузатиш юзасидан тегишли тавсиялар берилгани иштирокчиларнинг партиявий лойиҳага кизиқлигини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

«ИШБИЛАРМОН ТАЛАБА»

Қаршининг қатъиятли қизлари

— О‘зЛиДеРнинг «Ишбилармон талаба» кўрик-танлови ҳаётимда туь бурилиш ясади, десам адашмайман. Зеро, ана шу лойиҳада иштирок этиш орқали мен тадбиркорлик билан шуғулланиш имкониятига эга бўлдим, — дейди Шайхали МАШИЙ хизмат кўрсатиш коллежи талабаси Муниса Бекмуродова

Сайфулла ИКРОМОВ,
«XXI asr»

— Хусусан, ўтган йили курсюшим Мадина Рўзиева билан бирликда «Гўзаллик салоҳияти» танкили эгган бўлсак, бу йил фаолиятимизни кенгайтириш эвазига яна 6 нафар тендонимизни иш билан таъминладик. Бунинг учун мен тикувчилик цехини очдим. Мадина эса уяли телефонларга хизмат кўрсатадиган устахона ҳамда «пайнет» шохобчасини ишга туширди.

Маълумотларга кўра, «Ишбилармон талаба-2014» кўрик-танловининг Қарши шаҳар босқичида 65 нафар йилгит-қиз қатнашган бўлиб, иштирокчилар лойиҳа доирасида ўтказилган тадбирда иқтисодий, ҳуқуқий ва сиёсий билимларини оширишдан ташқари, ташкил этилган кўргазмада

ўз қўллари билан тайёрлаган тикувчилик, тўқувчилик, қандолатчилик, зардўзлик ва хунармандчилик маҳсулотларини намойиш этиш имкониятига ҳам эга бўлишди.

— Хунармандчилик менга момомсер, — дейди Қарши педагогика коллежи талабаси Дилбар Соатова. — Қангачилик ва тикувчиликни онамдан ўрганганман. Айни пайтда ироқи қапгачилик йўналишини такомиллаштириш борасида изланиман. О‘зЛиДеР лойиҳасида қатнашиб, ўзимга кераклиқ тажриба орттирдим. Бундай танловлар биз — ёшларни ҳаётда ўз ўрнини топиб олишимизда яқиндан ёрдам берибгина қолмасдан, эл-юрт келажаги йўлидаги эзгу ишларга ҳам даъват этаётди.

Ҳайбат аъзолари иштирокчиларининг бизнес-режаларини баҳолашда уларнинг тадбиркорлик ва ишбилармонлик кўникмаларини қай даражада ўзлаштиригани, замонавий ахборот ва компьютер технологияларидан фойдаланиш

борасидаги билимлари, қишлоқ хўжалиги ва ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантириш бўйича ишновацион лўйиҳалари, партия фаолиятидаги иштироки, миз.

Кўрик-танлов якунларига кўра, қашгачилик ва тикувчилик маҳсулотларини намойиш этиб, дизайн-серлик бўйича бир қатор

«Ишбилармон талаба-2014» кўрик-танловининг Қарши шаҳар босқичида 65 нафар йилгит-қиз қатнашган бўлиб, иштирокчилар лойиҳа доирасида ўтказилган тадбирда иқтисодий, ҳуқуқий ва сиёсий билимларини оширишдан ташқари, ташкил этилган кўргазмада ўз қўллари билан тайёрлаган тикувчилик, тўқувчилик, қандолатчилик, зардўзлик ва хунармандчилик маҳсулотларини намойиш этиш имкониятига ҳам эга бўлдилар.

етақчилик қобилиятига алоҳида эътибор қаратдилар.

— Касб-хунар коллежлари битирувчиларининг корхона-ташкilotларда амалиёт ўташи учун барча шароитлар яратилган, — дейди О‘зЛиДеР Қарши шаҳар кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Холмирза Болтаев. — «Устоз-шогирд» аъёналарини йўлга қўйиш, ёшларни ўз мутахассисликлари бўйича бандлигини таъминлашда ҳам фаол иштирок этиш-

инновацион лойиҳаларни яратишга эришган Дилбар Соатова биринчи ўринга лойиқ деб топилган бўлса, Қарши компьютер технологиялари коллежи талабаси Жамшид Абдурахмонов ҳамда политехника коллежида тахсил олаётган Гавхар Исломова тегишли равишда иккинчи ва учинчи ўринларни эгалладилар.

Ҳалилар О‘зЛиДеР Қарши шаҳар кенгаши раисининг факрий ёрдамчиси ва қимматбаҳо соғалари билан тақдирланди.

«АЁЛЛАР ҚАНОТИ» ХАБАРЛАРИ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ. Қараўзак қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежида «Оилавий тадбиркорлик — аёллар бандлигини таъминлашнинг муҳим омил» мавзусида очик мулоқот ўтказилди.

О‘зЛиДеР туман кенгаши, ССП хулудий бошқармаси масъуули ҳамда тижорат банкларининг туман филиаллари ходимлари иштирокидаги тадбирда хотин-қизларни кичик бизнес ва оилавий тадбиркорлик, миллий хунармандчилик, қасанақчилик фаолиятига кенг жалб этиш орқали иш ўринлари ташкил этиш масаласи муҳокама қилинди.

Мулоқот чоғида маҳаллий шароитдан келиб чиқиб чорвачилик, гиламчиликни йўлга қўйиш истагидаги хотин-қизларнинг бизнес-режаларини имтиёзли молиялаштиришга қўмаклашиш ҳақида келишиб олинди.

НАМАНГАН. «Аёллар тадбиркорлиги — жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминлашнинг энг муҳим омилларидан бири» мавзусида Чортоқ туманида бўлиб ўтган йилги маҳаллий тадбиркор ва фермер хотин-қизлар фаолиятларида дуч келаётган муаммоларни аниқлаш ва уларни қонун доирасида бартараф этиш, аёллар ва ёшларни ишбилармонликка жалб этишда нодавлат нотижорат ташкилотлар қўмағидан фойдаланиш масалалари муҳокама этилди.

Оилавий бизнес — мустаҳкам оила пойдевори

О‘зЛиДеР Самарқанд вилоят кенгашининг Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими томонидан «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилага» лойиҳаси доирасида ташкил этилган ўқув-семинарнинг вилоят босқичи якунланди

Партия Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва Марказий банк ҳамкорлигида ўтказилган ушбу тадбирда «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш, мамлакатимизда кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ёшлар ва аёлларда ишбилармонлик кўникмаларини шакллантириш, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий саводхонлигини ошириш, соҳага инновацион технологияларни кенг жалб этиш, худудларда янги иш ўринлари барпо этиш билан боғлиқ масалалар атрофида фикр юритилди. Семинарда таъкидланганидек, ҳамкорликда амалга оширилаётган лойиҳалар аҳоли ўртасида бандлик даражасини ошириш, хусусан, маҳаллалардаги аёлларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Йилнинг ўтган даври мобайлида партия фаоллари томонидан шу мавзуда жойларда қўллаб-қувватлаш, уйлаш ва семинар-тренинглар ташкил қилинди.

— Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда тижорат банклари томонидан ажратилаётган кредитлар муҳим аҳамият касб этмоқда, — дейди О‘зЛиДеР Самарқанд вилоят кенгаши бўлим мудири Мархабо Чўлиева. — Ҳар йили лойиҳа доирасида ўтказилган танловларда қўлиб чиққан иштирокчиларнинг бизнес лойиҳалари ўз вақтида молиялаштирилиши натижасида қўллаб-қувватлаш имкониятига эга бўлаемиз.

«Соғлом бола йили»да «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилага» лойиҳасининг туман ва шаҳар босқичида 700 дан ортиқ самарқандлик оила-синглимиз иштирок этиб, уларнинг 100 нафари вилоят босқичида қатнашиб хуқуқини қўлга киритди. Энг намунали бизнес-режага эга бўлган 20 нафар иштирокчига тижорат банклари томонидан 140 млн. 600 минг сўм микродаража кредит ажратилди. Бу эса «Аёллар қаноти» сўй-ҳаракати билан яратилган кўшимча имтиёз, кўшимча имконият, демакдир.

Мазкур лойиҳа доирасида вилоятнинг энг қиска тумани ҳисобланган Нарпайда 13 нафар хотин-қиз муқим иш жойига эга бўлди. Бу ўринда Х.Ҳасанова, М.Донғёрова, О.Махановани мисол қилиб келтириш мумкин. Улар тижорат банкларидан жами 12 млн. сўм имтиёзли кредит олиб, айни кунда бири телекоммуникация операторлари провайдерларига воситачилик хизматлари қўрсатиш, иккинчиси озиқ-овқат маҳсулотлари чакана савдоси, учинчиси чарм-мўйна буюмлари тикиш билан шуғулланмоқда. Асосийси, ажратилган барча кредитлар қафиллик асосида амалга оширилди. Бу эса лаёқатли хотин-қизларнинг тадбиркорлик соҳасидаги фаолиятини кенгайтиришда жула қўл келтирди.

Қиска қилиб айтганда, О‘зЛиДеР «Аёллар қаноти» ташаббуси билан жойларда ўтказилаётган лойиҳалар изчиллиги ва ҳаётийлиги билан ажралиб туради. Бу, шак-шўбҳасиз, уларнинг орзу ва интилишларига қаноат бағишлаб, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёҳида иштирокини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

«БАНК ТИЗИМИ

Хотин-қизлар тадбиркорлиги молия муассасалари эътиборида

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда «Тадбиркор аёл» асоциацияси билан ҳамкорликдаги навбатдаги анжумани ана шундай номланди

Юртимиз аёлларининг оила ва жамиятдаги мавқеини янада мустаҳкамлашга йўналтирилган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Президент фармонининг ижроси ҳамда хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантиришда банк хизматларидан кенг фойдаланиш, хусусан, кредит олиш ва хусусий бизнесни йўлга қўйиш каби вазифалар атрофида муҳокама қилинган тадбирда мустақиллик йилларида хотин-қизларнинг иш билан таъминлаш, аёллар тадбиркорлигини молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиб келинаётгани боис бутун хотин-қизлар нафақат оила боджести, балки мамлакат иқтисодиёти ривожига ҳам муносиб ҳисса қўшиб келасатгани алоҳида таъкидланди.

Ҳақиқатан ҳам шундай. Агар рақамлар пили билан айтганда бўлсак, кейинги 10 йилда тижорат банклари томонидан аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга хажми 30 баробардан зиёд ўсди. Юқорида қайт этилган фармон қабул қилингандан буён эса тижорат банклари томонидан аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга 2,6 трлн. сўмдан зиёд кредит маблағлари ажратилди.

Аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини оширишнинг муҳим шарт бўлган бандлик масаласини ҳал этиш ва бу жараёнларда хотин-қизларга етарли имконият яратиш бўлиб қолди.

Ҳақиқатан ҳам шундай. Агар рақамлар пили билан айтганда бўлсак, кейинги 10 йилда тижорат банклари томонидан аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга хажми 30 баробардан зиёд ўсди. Юқорида қайт этилган фармон қабул қилингандан буён эса тижорат банклари томонидан аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга 2,6 трлн. сўмдан зиёд кредит маблағлари ажратилди.

Анжумани якунида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, таълим муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлаш, жойларда янги иш ўринлари яратишга муносиб ҳисса қўшиб келасатган тадбиркор хотин-қизларнинг бир гуруҳига имтиёзли кредит олиш имкониятини берувчи сертификатлар ҳамда қимматбаҳо соғвалар топширилди.

Наргиза КАХХОРОВА.



БОШЛАНГИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

«XXI ASR» 2014-yil 19-iyun, payshanba, 24 (552)-son, www.21asr.uz, e-mail: xxi_asr@mail.ru



Қизгин муҳокамалар дахлдорликдан дарак

Хоразм вилоят табиати муҳофаза қилиш бошқармасида «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракцияси аъзоси К.Жумагурова, халқ депутатлари Шовот туман кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси Б.Қаландаров, партия вилоят кенгаши масъул ходимлари, БПТлар етакчилари қатнашган тадбирда Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартiriш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32,78,93,98,103 ва 117 моддаларига)»ги қонуннинг аҳамияти, хусусан, депутатлик гуруҳларининг ижро ҳоқимияти фаолияти устидан депутатлик назоратини янада кучайтиришдаги ўрни ва роли хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Мулоқот давомида «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси таъминлашида партия фаолларининг иштирокини янада кенгайтириш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Ўз мухбиримиз.

Карманда оилавий корхоналар кўпаяди

O'zLiDeP туман кенгаши ташаббуси билан ўтказилган тадбирда оилавий тадбиркорликнинг афзалликлари, хусусий мулк дахлдорлиги, мамлакатимизда кичик бизнес вакиллари учун яратилган қўлай ишбилармонлик муҳити, шунингдек, мулкдор оилалар сонини кўпайтиришга қаратилган қонуний базани такомиллаштириш борасида амалга оширилган тадбирлар хусусида сўз юритилди. — 2012 йилда Кармана педагогика ва хизмат кўрсатиш коллежини битириб, O'zLiDePнинг «Диплом билан — бизнесга» лойиҳаси кўмагида тадбиркорлик фаолиятини бошлаган эдим, — дейди Гулзода Тўхтамишева. — Энди қариндошларим билан маслаҳатлашган ҳолда оилавий корхона очиниш режалаштиришман. Ўз навбатида «Хунарманд» уюшмаси ҳузурда ташкил этилган БПТдаги маслаҳатчи билан биргаликда партия ғоя ва мақсадларини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш, маҳалла ёшларини тадбиркорликка жалб қилиш борасида мунтазам тушунтириш-тарғибот ишларини ҳам олиб бораёмиз.

Навбахорда либераллар сафи кенгайишда

Навбахор туман электр тармоқлари корхонасида O'zLiDeP ташаббуси билан ўтказилган очик мулоқот «Давлат бошқарувини янгилаш ва демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги қонуннинг мазмун-моҳиятини ўрганишга бағишланди. Тадбирда ушбу қонун мамлакатимизда фикр ва қарашлар хилма-хиллигининг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаб, кучли фуқаролик жамияти барпо этишда сиёсий партиялар учун кенг имкониятлар яратгани алоҳида таъкидланди. Шунингдек, мулкдорларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирокини таъминлашни устувор вазифа қилиб белгиланган O'zLiDePнинг Ҳаракат дастури, амалга оширилган партиявий лойиҳалар хусусида алоҳида таъкидотлар берилди. Мулоқот иштирокчиларининг мавзу юзасидан берган саволларига халқ депутатлари вилоят кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзолари, партия вилоят ҳамда туман кенгашлари мутасаддилари батафсил жавоб қайтарди. Энг муҳими, мазкур тадбир якунида 80 нафардан зиёд ишчи-хизматчи партия сафида бўлиш истагини билдирди.

Мансур АСЛОНОВ.

ХИЗМАТ ИБЛАГАНГА ХИЗМАТДОР ДУИ

«Хар бир инсоннинг қадр-қиммати ўз ишини қойил қилиб бажаришидир».

Абу Райҳон БЕРУНИЙ.

Депутат ва сайловчи ўртасидаги кўприк

Халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгашидаги 23 нафар, туман ва шаҳар кенгашларидаги 208 нафар O'zLiDeP депутатлик гуруҳлари аъзолари фаол ҳамда ташаббускор БПТлар билан ҳамкорликда партия мавқеини янада мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшаптилар

Бехзод ИСРОИЛОВ,
«XXI asr»

Жорий йилнинг айни давригача пойтахт вилояти маҳаллий кенгашларидаги O'zLiDeP депутатлари амалдаги қонунлар, ҳукумат қарорларининг ушбу ҳудудда ижроси ҳамда электротар вакиллари мурожаатлари бўйича турли ташкилотлар мутасаддиларига 120 дан зиёд сўров йўллади. Масалан, Бўқа туман кенгаши депутати Э.Жўраев ту-

муман олганда, жойлардаги партия қуйи бўғинлари ва депутатлар ҳамкорлиги сезиларли равишда жонланганини айтиш жоиз. Мисол учун, кейинги ойларда БПТ фаоллари жамоат ташкилотлари, ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳаллий бошқарув идоралари билан биргаликда 500 га яқин тадбир ўтказдилар. Уларнинг қарийб 70 фоизига барча бўғинлардан депутатлар жалб қилинганлиги, бошланғич ташкилотларда бўлиб ўтган қўлаб мулоқотлар бевосита депутатлар та-



«БОШЛАНГИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ АҲОЛИНИНГ ТУРЛИ ҚАТЛАМЛАРИ ВАКИЛЛАРИ, ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР, ФЕРМЕРЛАР, МУЛК ЭГАЛАРИНИНГ ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ИФОДАЛОВЧИ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, ИҚТИСОДИЙ ВА БОШҚА МАСАЛАЛАР БЎЙИЧА ЮҚОРИ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИГА ДОИМИЙ ТАРЗДА ТАҲЛИЛИЙ МАТЕРИАЛЛАР ВА ТАКЛИФЛАР ТАҚДИМ ЭТИБ БОРИШНИ ЙЎЛГА ҚЎЯДИ»

O'zLiDeP Уставидан.

ман солиқ инспекцияси раҳбаридан тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишларни қамайтириш юзасидан олиб борилаётган ишлар хусусида тўлиқ ҳисобот беришни сўради. Яна бир шундай сўровга жавобан Окқўрғон туман Фермерлар кенгаши раиси Ш.Мухторов кишлоқ мулкдорларига хизмат кўрсатувчи ташкилотлар шартномавий муносабатларга нечоғли риоя этилгани тўғрисида муфассал маълумотнома тайёрлаб, халқ депутатлари туман кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари М.Ўсарова тақдим этди.

Депутатларимиз ташаббуси билан маҳаллий кенгашлар мажлисларида 7 мартта мансабдор шахслар ҳисоботи эшитилди. Хусусан, яқинда Бўстонлик тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Э.Пўлатовнинг намунавий лойиҳа асосидаги уй-жойлар қурилиши бўйича ахбороти тингилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди. Бундан ташқари, партия фаоллари савий-ҳаракати билан хусусий сектор вакиллари манфаатларига тааллуқли долзарб масалалар халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари сессиялари, доимий комиссияларида алоҳида муҳокама қилинмоқда. Қўрилаган масалалар юзасидан депутатлар 30 га яқин асосли тақлиф ва тавсия киритганликларини ҳам қайд этиш жоиз.

Бундай аниқ мисоллар депутатлик гуруҳлари зиммасидаги вазифаларга масъулият билан ёндашиб, жамоатчилик назоратини изчил олиб бораётганидан далолат беради. Шу муҳим жараёнда БПТларнинг ҳам катта ҳиссаси борлиги эътиборга молик. Яъни, бошланғич ташкилотлар йиғилишларида кўтарилган масалалар «қуйидан юқорига» партиявий механизми воситасида депутатлар фаолиятида ўз аксини топмоқда.

тадбири билан ташкил этилгани диққатга сазовордир.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий кенгашларга сайловлар арафасида бундай жонланган ишларни муҳофаза қилиш бўйича аниқ таъкидланганидек, бугунги кунда вилоятдаги 691 та БПТ деярли 26 минг нафар аъзони жипслаштириб тургани инobatта олинса, келтирилган рақам ва далилларнинг мавжуд имкониятлар даражасида эмаслиги, масалага янада жиддийроқ ёндашиш зарурлиги ойдинлашади. Зеро, маҳаллий бошқарув органлари фаолиятини такомиллаштириш, электротар манфаатларини ҳимоялашга дахлдор тақлиф ҳамда таҳлилий материаллар мониторингини

бўлган назорат-таҳлил текширувлари ўтказилди.

Лекин, партия кенгаши йиғилишларида қайта-қайта таъкидланганидек, бугунги кунда вилоятдаги 691 та БПТ деярли 26 минг нафар аъзони жипслаштириб тургани инobatта олинса, келтирилган рақам ва далилларнинг мавжуд имкониятлар даражасида эмаслиги, масалага янада жиддийроқ ёндашиш зарурлиги ойдинлашади. Зеро, маҳаллий бошқарув органлари фаолиятини такомиллаштириш, электротар манфаатларини ҳимоялашга дахлдор тақлиф ҳамда таҳлилий материаллар мониторингини

олиб бориш борасида ҳам қуйи ташкилотларнинг депутатлар билан ҳамкорлигини мукаммал даражада, деб бўлмайди.

Қолаверса, 2,7 млн, аҳоли яшаётган вилоятда 6359 та фермер хўжалиги, 18597 та тадбиркорлик субъекти, 19 мингдан зиёд яқка тартибдаги тадбиркор фаолият юритаётганлиги ва уларнинг сони тобора ортаётгани ҳам БПТ ва депутат ҳамкорлиги бутунлай янги босқичга олиб чиқилиши, бу борадаги ишлар янада кучайтирилишини тақозо қилаётган.

— Янгийўл, Чиноз, Ўрта Чирчиқ, Бўстонлик, Охан-

гарон ва Бўқа туманларидаги ақсарият БПТлар депутатлар билан ҳамкорликда электротарнинг партияга нисбатан ишончини мустаҳкамлашга ҳаракат қилмоқдалар, — дейди O'zLiDeP вилоят кенгаши Ташкилий-партиявий ишлар бўлими бошлиғи Р.Ғозиев. — Аммо айрим БПТлар томонидан бу йўналишда олиб борилаётган ишларни қоникорли, дейиш қийин. Жумладан, шу йили Бекобод шаҳри, Қуйи Чирчиқ ва Паркент туманларида бармоқ билан санарли ишлар амалга оширилди. O'zLiDeP салоҳияти, қолаверса, сайловли давридаги масъулият қўла-

мини инobatта олсак, олиб борилаётган ишлар ҳали етарли эмас. Бу камчиликларни бартараф этиш мақсадида БПТлар фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг депутатлик гуруҳлари билан ҳамкорлигини янги сифат босқичга кўтаришга интиляшимиз.

Мухтасар айтганда, ислохотлар муваффақияти учун масъулиятни ўз зиммасига олишни эълон қилган партиянинг барча тизимлари юксак талабларга мувофиқ фаолият юритиши керак. Ана шундагина олдинкида турган улкан вазифаларни урдалашга муваффақ бўлаемиз.

БПТ ва ҚФЙ ҳамкорлиги

O'zLiDeP Олот туман кенгаши ҳаётини масалаларни халқ қилиш жараёнида фаол иштирок этиш орқали электротар ишончи ва эътиборини қозонмоқда. Хусусан, кенгаш қошида ташкил этилган қуйи бўғиннинг Талқонсаёт қишлоқ фуқаролар йиғини билан яқин ҳамкорлиги қутулган натижаларни берапти

Яқинда ҚФЙ ва БПТ фаоллари иштирокида ўтказилган йиғилишда 4 та фермер хўжалигининг мурожаати кўриб чиқилди. Тап шундаки, кишлоқ мулкдорлари иссиқхона қуриш учун молия муассасаларидан имтиёзли кредит олишда айрим қийинчиликларга дуч келётганини баён этиб, ушбу масалани ижобий ҳал этишда амалий ёрдам сўрашган эди. Тадбир давомида мазкур мурожаатлар асосли деб топилди ҳамда Д.Аймуродов ва Б.Воҳидов каби маҳаллий депутатларнинг савий-ҳаракати билан ижобий хал этилди.

Бундай ҳамкорлик 1,5 км. узунликдаги ички йўллари асфальтлаш, аҳоли учун бошқа қўлайликлар яратишда ҳам қўл келганлигини таъкидлаш жоиз.

Жорий йилдаги режалар янада катта. Чунончи, иккинчи чорак мобайнида партия сафига яна 20 нафар аъзони қабул қилиш, «Нурулло бобо Отамуродов» ва «Р.Расулов» фермер хўжаликларидан янги қуйи бўғинлар ташкил этиш, ўзаро ҳамкорликда ёшлар ва кишлоқ аёллари ўртасида бандлик даражасини ошириш борасида маҳаллий бошқ-

арув органларига аниқ тақлиф ва тавсиялар билан чиқиш кўзда тутилмоқда.

— O'zLiDeP туман кенгаши айни кунда ўз атрофида 604 нафар аъзони бирлаштирган, — дейди партия туман кенгаши раисининг ўринбосари У.Рустамов. — Улар 26 та бошланғич ташкилот атрофида уюшиб, ижтимоий-сиёсий ислохотларни чуқурлаштириш, жойларда қонунлар ижросини таъминлаш, партиянинг ғоя ва мақсадларини тарғиб қилишда фаол иш олиб бормоқдалар.

Ўз мухбиримиз.

Салбий оқибатларнинг олди олинади

«Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБнинг Учқўрғон туман филиалида иш олиб бораётган O'zLiDeP бошланғич ташкилотда ўтказилган давра суҳбати «Эрта турмуш қуриш — истиқболга болта уриш» деб номланди. — Йигирма кишидан иборат қуйи бўғиннинг ҳар бир аъзоси «Соғлом бола йили» Давлат дастурининг тумандаги ижросига алоҳида эътибор қаратапти, — дейди БПТ етакчиси Равшанбек Отахонов. — Тумандаги қатор МФЙ фаоллари, касб-хунар коллежлари ўқувчилари қатнашган мулоқотда балоғат ёшига етмай оила қуриш ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари, бундай ҳолатларнинг олдини олиш борасида амалга оширилиши лозим ишлар атрофида муҳокама этилди. Аҳроржон МУСУРМОНОВ.

«Менинг тақлифим шуки...»

Энг аввало, «XXI asr» газетасида парламент қуйи палатаси, айниқса, O'zLiDeP фракциясида муҳокама этилаётган янги қонун лойиҳаларига оид таҳлилий мақолалар, партия қуйи бўғинларига бағишланган махсус иловада чоп этилаётган хабар ва суратли лавҳалар фаолиятимизда ниҳоятда асқотгаётганини айтишим зарур. Шунингдек, юртимиз ва хоризда рўй бераётган сиёсий ўзгаришлар билан вақтида танишишимизга кўмак берапти. Шу ўринда бир мулоҳазамни баён этмоқчиман. Газета саҳифаларида тадбиркорлик фаолиятига бевосита тааллуқли янги қабул қилинган қонунлар, фармон ва қарорлар, қонуности ҳужжатларининг тўлиқ матни чоп этилса, айни муддао бўларди. Зеро, қонунлар ва улар ижросига тааллуқли меъёрий ҳужжатларни ўқиб-ўрганиш ва тегишли хулосалар чиқариш фаолиятимизни янада кенгайтиришда муҳим омил бўлиши шубҳасиз.

Жаҳонгир ҒАНИЕВ,
Тошкент шаҳридаги «Мегапродукт» МЧЖ директори, БПТ раиси.

Жараён

УЧИНЧИ СЕКТОР

Миллий дастур лойиҳаси муҳокама этилди

Пойтахтимизда Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ҳузуридаги ноғиронлар масалалари бўйича Маслаҳат Кенгаши томонидан ўтказилган давра суҳбатда БМТнинг «Ноғиронлар ҳуқуқлари Конвенциясини ратификация ва имплементация қилиш юзасидан ишлаб чиқилган Миллий дастур лойиҳаси муҳокама этилди.

Тадбирда таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикасининг «Ноғиронларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги қонуни давлатимизнинг ноғиронларга бўлган муносабати ҳамда ижтимоий-ҳуқуқий маққеини белгиловчи ҳуқуқий асосдир. Мазкур қонун ноғиронларнинг ҳуқуқ ва эркинликларидан тўла фойдаланишлари, жамоат ишларида фаол иштирок этишлари, шунингдек, фуқаролик мажбуриятларини бажаришда бошқа фуқаролар билан тенг ҳуқуқлилигини таъминлашга қаратилган.

Давлат дастурларида ҳар йили ушбу тоифани мақсадли қўллаб-қувватлаш назарда тутилган бўлиб, 60 фоиздан кўпроқ бюджет маблағлари ижтимоий муҳим вазифаларни ечишга йўналтирилади.

Имконияти чекланган инсонлар учун нафақат ҳуқуқий, балки ташкилий, моддий-техникавий шарт-шароитлар яратилган. — деди Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ижтимоий-гуманитар масалалар бўйича бош консултант Сериқ Тастанбеков. — Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазалаш вазирилик қошида 11 та реабилитация маркази ишлаётгани, жисмоний ва ақлий нуқсонли бор болалар таълим олишлари учун 89 та махсус таълим муассасаси фаолият олиб бораётгани фикримиз далилидир.

Ўз мухбиримиз.

Тадбиркорлар таассуротлари

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Озод РАЖАБОВ, «XXI asr»

— Кичик корхонани 2003 йилда очганим, — дея сўз бошлади партияимиз фаоли. — Ушунда бор-йўғи 10 киши аёллар кийимларини тикардик. Лекин бир жойда тўхтаб қолмадик. Бизга яратилган қулайликлардан унумли фойдаланган холда маҳсулот сифатини яхшилаш баробарида унинг турини кўпайтириш орқали фаолиятимизни кенгайтириш йўлидан бордик. Натига эса ёмон бўлмади. Бугун «Joni textil savdo»да 50 киши доимий иш билан таъминланган. Ишлаб чиқараётган маҳсулотларимиз ички бозорда харидорини топган, уни экспорт қилиш масаласида бош қотираётгандик. Ўтган йили Президентимиз ташаббуси билан мана шу жамғарманинг тузилиши мушкулларини осон қилди.

Назира опанинг фикрларини Олмалик шахрида фаолият кўрсатаётган хусусий тадбиркор Розахон Сиддиқова давом эттирди.

— Оилавий тадбиркорликни бошлаганимизга 20 йилдан ошди, — дейди у. — Миллий анъаналаримизни уйғунлаштирган бежирим меъеллар ясади — ота касбимиз. Ўзбекистонда «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг тузилиши, рухсат бериш тартиб-таомилларининг кескин қисқартирилиши, мутасадди идораларга электрон тарзда мурожаат қилиш тизимининг жорий этилиши туфайли фаолиятимизни янада кенгайтириш билан бирга импорт ўринини босувчи маҳсулотларимизни экспортга чиқариш имкониятига эга бўлдик. Ушбу кўрғазмада 16 турдаги маҳсулотни каталог-маълумотномалар, буклет ва баннерлар орқали намойиш этилди. Бунда бизга жамғарма мутахассислари яқиндан ёрдам беришмоқда.

Халқаро савдо-саноат кўрғазма-ярмаркасида фаолиятини кўрсатган тадбиркор аёлларимиздан яна бири Қўрғонтепа туманининг Сарой кишио-



ғида фаолият кўрсатаётган «Ягона ҳамкор нури» масъулияти чекланган жамияти директори Саюбар Носировадир.

— Мамлакатимизда тадбиркорлар учун яратилаётган шароитлар, берилаётган имтиёзлар бизни янада ишжаоат билан ишлаш, чета тайёр маҳсулот чиқаришга ундамоқда, — дейди ишбилармон аёл. — Мисол учун, ана шундай савий-ҳаракатлар натижасида ўтган йили ойинга 40-50 миң донна кийим тикдик. Фаолиятимизни янада кенгайтириш мақсадида «Қишлоққурилишбанк»дан 250 миллион сўм миқдорда кредит олиб, ишлаб чиқариш қувватимизни ошириш натижасида 60 та доимий иш ўрни очдик. Эндиги вазифамиз экспортни йўлга қўйишдан иборат. Шунинг учун ҳам жамғарма билан алоқа ўрнатган холда мазкур кўрғазмада катнашиб турибмиз.

— Жамғармамиз кўмағида юртимиз ишлаб чиқарувчилари чет элларда ўтказилаётган йирик халқаро кўрғазма-ярмаркаларда бевосита иштирок этиб, ўз маҳсулотлари экспортининг жўғрофиясини кенгайтириш, харидорлар топиш ва шартномалар тузишга муваффақ бўлмоқда, — дейди Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси бўлим бошлиғи Камолиддин Нурмагов. — Хитойдаги

Халқаро савдо-саноат кўрғазма-ярмаркаси ҳам улар учун ана шундай имкониятларнинг наватбағисини экалтигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Зеро, ушбу тадбирга Австрия, Австралия, Венгрия, Германия, Италия, Испания, Иордания, Канада, Кипр, Жанубий Корея, Малайзия, Покистон, Сингапур, Таиланд, Туркманистон, Филиппин, Эрон, Ҳиндистон, Қозғистон каби қўллаб-қувватлаш компания ва концернлар, саноат корхоналари таъкидлаш билан бирга маълумотларга кўра, кўрғазма-ярмаркага 100 миңдан ортиқ киши ташриф буюрган. Сиань шахрининг машҳур Чоуцан халқаро кўрғазмалар марказида ўтказилган тадбирда Ўзбекистон маҳсулотлари ўзига хос дизайни, сифати ва рақобатбардошлиги билан ажралиб тургани, бу ерга келувчилар уларни кўрғазма-ярмарканинг биринчи кунидек харид қилиш истагини билдиргани диққатга сазовордир. Яна бир жиҳат: кўрғазма-ярмарка бир вақтнинг ўзиде 5 та кагта павильонда уюштирилган бўлса, мамлакатимиз тадбиркорлари учун марказий павильоннинг кириш йўлагидан жой ажратилган ҳам Ўзбекистон маҳсулотларига қизиқини жуда катталигидан далолатдир.

Мухтарам Президентимиз-

нинг жамғармани ташкил этгани бўйича узокки кўзлаб қабул қилган қарорлари нақадар тўғрилиги ва ўз вақтидалигини бугун тадбиркорларга кўрсатилаётган кўмак ва кўрғазмада улар томонидан эришилган натижалардан ҳам кўришимиз мумкин. Кўрғазма якунига кўра, маҳсулот ва хизматлар экспорт бўйича умумий киймати 65,4 млн. АҚШ долларига тенг 22 та ҳамкорлик битими имзоланди. Жумладан, мебель экспорт бўйича умумий киймати 7 млн. долларга тенг 4 та битим, озиқ-овқат маҳсулотлари экспорт бўйича умумий киймати 9 млн. долларга тенг 5 та битим, текстиль маҳсулотлари экспорт бўйича умумий киймати 32,4 млн. долларга тенг 8 та битим, туризм хизматлари экспорт бўйича умумий киймати 17 млн. долларга тенг 5 та битим имзоланди.

Хуллас, экспортни кўпайтириш мақсадида сафарда бўлган тадбиркорларнинг таассуротлари бисёр. Уларнинг ҳаммасини қозғога туширишнинг имконияти йўқ, албатта. Энг муҳими, ишбилармонларимиз ташкилотларнинг яқин йўлини кўрсатаётган, хорижий ҳамкорлар топиш ҳамда тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришда бевосита кўмаклашаётган жамғарма фаолиятдан мамнун.

Тошкент-Пекин-Сиань-Тошкент.

Экспорт билан шуғулланмоқчимисиз, жамғармага мурожаат қилинг

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар самараси ўлароқ НАФАҚАТ ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСУВЧИ, БИЛКИ ЭКСПОРТБОП МАХСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ ҲАМ ТОВАРА ОРТИБ БОРМОҚДА. Бу ЭСА ЎЗ НАВБАТИДА УНИ ХОРИЖГА ЧИҚАРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИ ТАЛАБ ЭТАДИ

Абдулла ТОҒАЕВ, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси Жиззах филиали директори

Президентимизнинг 2013 йили 8 августдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори айнан шу мақсадга йўналтирилган билан аҳамиятлидир. Мазкур ҳужжат асосида Ташки иқтисодий фаолият миллий банки ҳузурида Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилгани бу борадаги ишлар янада жадаллаштиришга хизмат қилмоқда, десак муболаға бўлмайди. Таъкидлаш жоизки, жамғарма савий-ҳаракати билан тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилаётган рақобатбардош маҳсулотларнинг жаҳон бозоридеги харидорлари сафи кенгайиб борапти.

Ана шундай хайрли ишларга жамғарманинг Жиззах вилояти филиали ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даври мобайлида 30 га яқин кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектига кўрсатилган ҳуқуқий-ташқилий хизматлар кўрсатиш натижасида жами 8,2

миллион АҚШ доллари миқдоридеги маҳсулот экспорт қилинди. Умуман олганда, маҳаллий тадбиркорларнинг хориж бозорларига дадил кириб боришлари учун қулай шарт-шароитлар яратиб йўлида жамоа астойдил меҳнат қилмоқда.

Эндиликда вилоятдаги ҳар қандай корхона ёки тадбиркор ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни чет элларга сотиб имкониятига эга. Бунинг учун шартли рақобатбардош маҳсулот тайёрлаб, жамғарма билан яқиндан алоқа ўрнатса бас. Жумладан, хозирда «Kapers-Agro-Servis», «Tebiy Qazilma», «Didosa paint», «Maxsus Taminiat Konserv», «Jizzax Kenteks» масъулияти чекланган жамиятлари ва бошқа ишсўсий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилгани билан биргаликда экспортчи корхоналардаги мавжуд муаммоларни ўрганиш ҳамда уларнинг ечимини, шунингдек, тадбиркорларни экспорт фаолиятига қўшиб жал қилиш масалаларига бағишлаш ҳамда суҳбатларнинг ўтказиб келилаётгани яхши самара бермоқда.

Қисқа қилиб айтганда, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилиши мамлакатимиз ишбилармонларининг ўз маҳсулотлари билан жаҳон бозоридан муносиб ўрин эгаллашлари ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

ХАБАРЛАР

Қалбаки маҳсулотнинг йўли тўсилган

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида истеъмол товарлари олиб киришни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ мамлакатимизга олиб кирилаётган маҳсулотларга ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан давлат тилидаги товар маркировкаси қўйилиши талаб этилади. Унга кўра, 44 гуруҳдаги озиқ-овқат маҳсулотлари, шахсий гигиена буюмлари ва бошқа истеъмол товарларини давлат тилида маркировка қилмасдан сотилиши савдо қоидаларини бузиш, яъни ҳужжатлари мавжуд бўлмаган товарларни сотиш ҳисобланади.

Давлат божхона қўмитаси томонидан Миллий матбуот марказида ўтказилган анжуман мазкур қарор ижросига бағишланди. Тадбирда хориждан сифатсиз ва ноқонуний товарлар кириб келишининг олдини олиш аҳоли саломатлиги ва миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга моликлиги алоҳида таъкидланди.

— 2014 йилнинг ўтган 5 ойи давомида республикамизга давлат тилида маркировка қилинган ҳолда 812 млн. АҚШ долларидан ортиқ қийматдаги истеъмол маҳсулотлари олиб келинди. — деди ДБҚ Марказий лабораторияси бошлиғи, божхона хизмати подполковниги Бахтиёр Абдуғаниев. — Афсуски, юқорида қайд этилган тартибни бузиш ҳолатлари ҳам учраб турибди. Масалан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда жорий йилнинг ўтган даврида салкам 9,6 тонна спирт, 95,5 миң кутидан тамаки, 1,5 миллион донадан ортиқ парфюмерия, 152 миң донадан зиёд пиротехника воситалари, 68 миң донадан ортиқ маъиший техника буюмлари, 56 миң донадан кўпроқ болалар ўйинчоқларининг олиб ўтилишига чек қўйилди.

Матбуот анжуманида бу каби ҳолатларнинг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган ишлар хусусида журналистларга атрафлича маълумот берилди.

Мутасаддилар ёшлар ҳузурида

Адлия вазирилик, Тошкент шаҳар Савдо-саноат палатаси ташаббуси билан Яққасарой ишорат ва тадбиркорлик коллежида ташкил этилган давра суҳбатда ёшлар фаолигини янада ошириш орқали мулкдорлар сафини кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш, бу борада уларга яратилган имтиёз ва нафолатлар хусусида атрафлича ташуноча берилди.

Тадбирда 2014 йилнинг 1 октябрдан Ўзбекистон Республикасининг Интерактив давлат хизматлари ягона порталида махсус «Тадбиркорлик субъектнинг кабинети» очилиши, молия, солиқ, статистика ва бошқа турдаги ҳисобларни интерактив расмийлаштириш ва тақдим этиш йўлига қўйилиши алоҳида таъкидланди. Шунингдек, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар, лицензия ва рухсат этиш характериға эга ҳужжатларни кўриб чиқиш ва уларни олишда тўланадиган йиғимларни Интернет-банкнинг тизими орқали тўлаш каби имтиёзларнинг жорий қилиниши тадбиркорлик фаолияти ривожини учун катта туртки бўлиши эътироф этилди.

— Мамлакатимизда яратилган қулай инвестиция шароити ва ишбилармонлик муҳити натижасида биргина ўтган йилнинг ўзида юртимизда 26 миңдан зиёд кичик бизнес субъекти иш бошлади. — дейди Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси катта маслаҳатчиси Саидхорр Абдурахмонов. — Ушбу секторда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг умумий сони йил охирига келиб 190 миңгача ташкил этди ва бугунги кунда мамлакатимиз яппи ички маҳсулотининг қарийб 55,8 фоизи айнан уларнинг ҳиссасига тўғри келмоқда.

Давра суҳбати якунида иштирокчиларнинг қўллаб-қувватлаш соҳа мутахассислари батафсил жавоб қайтардилар.

Рисолат МАДИЕВА.

ЭЪЛОН

КОРХОНА МЕНЕЖЕРЛАРИ УЧУН ЕВРОПАДА МАЛАКА ОШИРИШ ДАСТУРИ



Management Training Programme
MTP

Европа Иттифоқи томонидан молиялаштирилаётган «Менежментга ўқитиш дастури (МўД) – Ўзбекистондаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари раҳбарларининг салоҳиятини мустаҳкамлаш» лойиҳаси (қуйида Лойиҳа деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда ЕИ компанияларида Ўзбекистондаги кичик бизнес корхоналари менежерлари малакасини ошириш учун **аризалар қабул қилишини эълон қилади.** Малака ошириш Европа Иттифоқининг 28 мамлакатидеги компанияларда амалга оширилиб, улар ўзаро келишув асосида иштирокчилар ёки лойиҳа томонидан танланиши мумкин.

Лойиҳанинг асосий мақсади — Ўзбекистонда кичик бизнесни самарали бошқариш ва унинг узок келажакдаги барқарор ривожланишини таъминлашга қўлиб кўриш малакасини салоҳиятини тадбиркор ҳамда менежерлар сонини кўпайтиришдан иборат. Бу босқичда қўйилган мақсадга эришиш учун Европа компанияларида Ўзбекистондаги кичик бизнес раҳбарларининг малакасини ошириш орқали лойиҳа уларни ўқитишнинг амалга оширилади.

Малака ошириш дастури лойиҳасининг мақсади ўзбекистонлик менежерларнинг бошқарув қўникмаларини ошириш, уларни бизнесни бошқариш ва юритишнинг европада усуллариға ўқитиш, ЕИ ва Ўзбекистон компаниялари ўртасида ҳамкорлик алоқаларини ўрнатилган иборат. Номзодлар стажировкада иштирок этишдан қўзланган мақсадли аниқ кўрсаткич ҳамда бу унинг ҳамда компаниянинг ривожига қандай ижобий таъсир кўрсатишини қайд этиши лозим.

Танланган иштирокчилар учун лойиҳа тренинг ва стажировкаларидеги иштирок этиш бепул амалга оширилади. Транспорт билан боғлиқ барча харажатлар (авиабилет ҳамда 400 евро миқдоридеги шахсий тўловдан ташқари), шунингдек, Европа Иттифоқи мамлакатларида жойлаштириш, визалар, суғурта лойиҳа маблағлари вазига қопланади.

Барча талабларга жавоб берадиган кичик бизнес корхоналари ва уларнинг раҳбарлари, менежерларига малака ошириш учун ариза топшириш ҳуқуқиға эга.

АРИЗАЛАРНИ ТОПШИРИШ МУДДАТИ: Номзодларнинг аризалари 2014 йилнинг 30 июнига қадар қабул қилинади. Аризанинг расмий шакли МўД лойиҳасининг расмий сайти (www.mtp.eu.uz)да жойлаштирилган.

Сўров шаклини тўлдиргандан сўнг номзодлар аризанинг имзоланган ва сканер қилинган нусхасини қўшимча зарур ҳужжатлар билан бирга mtp@tp.eu.uz электрон манзилга юборишлари лозим (нусхаси mtp.eu@gmail.com га).

Қуйида электрон сўровга илова қилинадиган қўшимча ҳужжатлар келтирилиши:

1. Компания рўйхатдан ўтказилган ҳақиқатли гувоҳнома ва нисом ҳужжатларининг сўнгги тасдиғи;
2. Компаниянинг солиқ органлари олдига ҳеч қандай мажбурият йўқлигини тасдиқловчи сертификат;
3. Пул маблағларининг йиллик айланмаси ва сўнгги икки йил (2012 ва 2013) учун мусбат даромад миқдорини тасдиқловчи сертификат(лар);
4. Компаниянинг қадрлар бўлимидан ишчилар сонини тасдиқловчи маълумотнома;
5. Номзод паспорт нусхаси;
6. Олий маълумот ҳақидаги диплом нусхаси;
7. Умумий меҳнат стажини 6 йилдан кам эмаслигини тасдиқловчи сертификат(лар);
8. Компания қадрлар бўлимидан номзоднинг маққеи ва 2 йиллик бошқарув тажрибасини тасдиқловчи сертификат(лар) (қамида 3 та ҳисобдор шахсни кўрсатган ҳолда).

Сўров шакли босма нусхасининг имзоланган асл нусхалари ва қўшимча ҳужжатлар 2014 йил 30 июнига қадар Ўзбекистон, Тошкент шаҳри-100047, Амир Темур пуш қўчаси, 4-манзилда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, «Management Training Programme» лойиҳасининг офисига юборилиши лозим.



Кичик бизнес корхоналари ва уларнинг раҳбарларини танлаш жараёни ва мезонлари ҳақидаги батафсил маълумотни Лойиҳанинг www.mtp.eu.uz сайти ҳамда (+99871) 150-60-06, 233-59-01 телефонлари орқали олиш мумкин. Махсус изоҳ: Танлов жараёни гендер тенглиги масаласини ҳисобга олган ҳолда қамида 20% аёл номзодни танлаб олишни кўзда тутуди. Ҳизматлар лицензияланган

Сўнгги саҳифа

ЭШИТДИНГИЗМИ?



Қибрайда янги боғ барпо этилади

Вазирлар Маҳкамаси қарорига мувофиқ, туманда 32,4 гектарли «Дўрмон» Миллий боғи ташкил этиладиган бўлди. Ушбу қарор Тошкент вилоятидаги Дўрмон мавзесининг табиий-экологик, илмий-маданий ва эстетик аҳамиятга эга бўлган ноёб ўсимликларини сақлаш ҳамда кўпайтириш мақсадида қабул қилинган бўлиб, Миллий боғ қўриқланадиган табиий ҳудуд тоифасига киритилади. Мазкур ҳужжатда Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Ободонлаштириш бош бошқармасининг ҳукумат объектларига хизмат кўрсатиш бўйича Ихтисослаштирилган бошқармаси таркибида «Дўрмон» Миллий боғ дирекциясини ташкил этиш ҳам белгиланган. **Шухрат ХУЖАЕВ.**

Кичкина деманг бизни...

Грециянинг Кавала шаҳрида тезкор шахмат бўйича мактаб ўқувчилари ўртасида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида иштирок этган икки нафар умидли спортчимиз — Ислонбек ва Жавоҳир Синдоровлар ўз ёш тоифаларида тенгсиз деб топилдилар. Етти эҳли Ислонбек Россия, Греция, Болгария, Франция, Озарбайжон ва Буюк Британия шахматчиларига қарши ўтказилган тўққизта партиянинг барчасида галаба қозониб, жаҳон чемпиони бўлди. Унинг акаси Жавоҳир эса 9 ёшгача бўлган спортчилар ўртасида ўтказилган беллашувларда 8 очко тўплаган ҳолда турнир жадвалида барча рақибларини ортда қолдириб, ўз йўналиши бўйича бош совринни кўлга киритди. Ака-ука чемпионлар бундан аввал Ҳиндистон (2012 йил), Эрон (2013 йил)да тезкор ва аънаванави шахмат бўйича ўсимирлар ўртасида ўтказилган Осие чемпионатида яхши натижаларни қайд этиб, олтин ва кумуш медалларга сазовор бўлишганди.



ТВ ТАРФИБОТ

Миллий брендимиз — «Euronews»да



Жаҳонда юқори рейтингга эга бўлган телеканаллардан бири — «Euronews» «Artel» бренди остида маиший техника ва электроника маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи миллий компаниямиз фаолиятига бағишланган видеороликни намойиш қила бошлади. Лавҳа жорий йилнинг 16 июнидан буён ҳар куни эрталаб ва кечқурун эфирга узатилмоқда. Инновацион технологияларга асосланган ушбу компания кейинги 3 йил давомида сифатли маҳсулотларни истеъмолчиларга мақбул нархларда тақдим этишда ном қозониб келаётди. Мазкур савдо белгиси яқин орада ўз маҳсулотларини МДХ, Европа, Узоқ ва Яқин Шарқ мамлакатларига экспорт қилиш орқали ишлаб чиқариш ҳажмини янада оширишни режалаштирмоқда.

СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ!

Сотилган нарсалар қайтариб олинади. Фақат...

«Бозор ва дўконларда «Сотилган нарсалар қайтариб олинмайди» деган ёзувни кўп учратамиз. Агар сотиб олинган буюмнинг сифати талабга жавоб бермаса ёки ўлчами тўғри келмаса, нима учун қайтариб берилмаслиги керак? Сотувчиларнинг ана шу ёзувни дўкон пештахталарига осиб қўйишга ҳуқуқлари борми? Бу қонунда қандай белгиланган? **Мадийер РЕЙМБОЕВ, Тошкент шаҳри.**

Саволга Тошкент шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмаси матбуот ва ахборот сектори бошлиғи Феруза Қосимова жавоб беради:

— Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қондаларини ҳамда Ўзбекистон Республикасида умумий овуқланмиш

маҳсулотларини (хизматларини) ишлаб чиқариш ва сотиш қондаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 75-сонли қарори рўйхатига киритилган, мақбул сифатдаги ноозиқ-овқат товарлари сотувчиси шундай ёзувни осиб қўйишга ҳақли. Аттотриқ, зоодўконлар ёки дорихоналар ҳам шулар жумласидандир. Лекин маҳсулот сифати талабга жавоб бермаса ёки яроқлилик мuddати ўтганлиги тўғрисида истеъмолчи моддий ва маънавий зарар кўрса, унинг қопланишини талаб қилиши мумкин. Зарар миқдори суд орқали белгиланади. Ўзбекистон Республикаси «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 22-моддасига асосан, 75-сонли қарор рўйхатига киритилмаган ҳар қандай товарлар жумладан, бозорда ташқи кийим савдоси билан шуғулланаётган сотувчи бундай ёзувни осиб қўйишга ҳақли эмас.

СИРЛИ ОЛАМ СИНОАТЛАРИ

Чарчасангиз — ялпиз ҳидланг!

Рухияти бузилган, асаблари тараңлашганларни хушбўй ҳидлар билан доволаш қадимдан мавжуд. Бу усул замонавий тиббиётда ароматерапия деб номланади. — Қаттиқ чарчаган одамга апельсин, ёронгул, лимон, қора арча ва ялпиз, бош оғриб, асаб толиққанда райхон, қаламбирмунчоқ, лимон, ялпиз ҳидлаган ҳамда уларга термулиб хордиқ чиқарган инсон рухан ва жисман енгиллашади, — дейди психология фанлари номзоди Маҳмуд Йўлдошев. Хотира сусайганда эса райхон, қаламбирмунчоқ, атиргул, хушбўй олмадорни ҳидлаган ёки таомга кўшиб тановул қилган одамнинг кайфияти кўтарилиб, руҳи енгиллашади.

Бананнинг қудрати

— Кунига учта банан ейиш — инсултининг олдини олади, — дейди пойтахтимиздаги 15-оилавий поликлиника шифокори, невропатолог Лола Алимова. — Чунки унинг таркибида калий мўл бўлиб, инсон миясида тромб ҳосил бўлиш хавфини 21 фоизгача камайтиради. Таркибида калий мавжуд бўлган ҳар қандай маҳсулот ана шундай хусусиятга эга эканлиги амалиётда исботланган бўлиб, ёнғоқ, исмамоқ, сут ва балиқ ана шундай маҳсулотлар сирасига киради. Лекин шифокор бананни меъърадан ортиқ истеъмол қилиш зарар эканлигини ҳам таъкидлади. Зеро, калий миқдорининг жуда ошиб кетиши юрак уриши маромини бузиб, асабийликка, кўнгил айнаиши ва диареяга олиб келиши мумкин экан. Бир дон банданда 500 миллиграмм калий мавжуд бўлиб, бу миқдор паст қон босими ва организмдаги суюқлик миқдорини меъърада сақлаш учун кифоя қиларкан.

Уйқу — ярим даво

Олимларнинг таъкидлашича, тўйиб ухлаш шамоллашнинг олдини олади, асаб ва юрак-қон томир тизими ҳолатига яхши таъсир қилади. Тадиқотлар натижасига кўра, етти соатдан кам ухлаш шамоллаш хавфини уч баробар оширади, меъъра даражасида хордиқ олинганда эса организмдан турли инфекцияларга таъсир қиладиган оксиллар ажралиб чиқар экан.

РЕКЛАМА

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!



«Асака» банк (ОАЖ)

қуйидаги миллий валютадаги мuddатли янги омонат турини таклиф этади:

«ТАЪТИЛ-2014»

Ушбу омонат учун ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат мuddати тугагандан сўнг берилади. Шу билан биргаликда «Асака» банк (ОАЖ) қулай шартларда 91 турдаги миллий ва хорижий валюталардаги омонатларни таклиф этади.

Мазкур омонат турларини банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин. Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

ФИЛИАЛЛАР	КОД	ТЕЛЕФОН	ФИЛИАЛЛАР	КОД	ТЕЛЕФОН
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13	Наманган вилоят филиали	369	226-94-75
Автотранспорт филиали	371	120-39-95	Навоий вилоят филиали	436	223-54-32
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36	Зарафшон филиали	436	573-18-78
Юнусобод филиали	371	221-80-67	Бухоро вилоят филиали	365	223-71-94
Сергели филиали	371	258-67-49	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	366	231-08-86
Анджон вилоят филиали	374	224-40-96	Афросиёб филиали	366	221-77-56
Асака филиали	374	233-13-69	Қашқадарё вилоят филиали	375	221-12-93
Фарҳод филиали	374	226-97-53	Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Фарғона вилоят филиали	373	224-70-83	Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-12-37	Хоразм вилоят филиали	362	226-97-78
Олтириқ филиали	373	432-10-11	Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Қўқон филиали	373	552-61-04	Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

«Асака» банк — сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

Хизматлар лицензияланган.

«ФАРОВОНПИК»

ПУЛ-БУЮМ ЮТУҚЛИ, ТИРАЖЛИ ЛОТЕРЕЯСИ



2014 йил 20-21 ДЕКАБРЬ КУНЛАРИ

Тошкент шаҳрида

ўтказиладиган ютуқлар тиражидан ўз омадингизни синаб кўринг.



ХАЛҚ ФАРОВОНПИГИ — ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ!

ПОТЕРЕЯ БИПЕТИНИНГ НАРХИ — 5000 СЎМ

потерея билетларини нақд пулга ёки пул ўтказиш йўли билан банкнинг барча филиалларидан сотиб олишингиз мумкин.

Банкнинг вилоят бошқармалари телефон рақамлари:

Коракалпоғистон Республикаси (8-361) 222-16-77	Қашқадарё вилояти (8-375) 771-15-60	Сурхондарё вилояти (8-376) 770-81-48
Анджон вилояти (8-374) 228-46-20	Наманган вилояти (8-369) 223-19-32	Сирдарё вилояти (8-367) 221-01-50
Бухоро вилояти (8-365) 223-85-53	Навоий вилояти (8-436) 770-35-49	Фарғона вилояти (8-373) 224-08-41
Жиззах вилояти (8-372) 226-25-33	Самарқанд вилояти (8-366) 229-34-73	Хоразм вилояти (8-362) 770-57-00

Ютуқлар тасодифий аниқлаш тамойили асосида махсус лотерея жиҳазларидан фойдаланган ҳолда аниқланади. 100 000 сўмгача бўлган ютуқлар 1 банк иш кунинда, 100 000 дан юқори бўлган ютуқлар (билетларнинг экспертиза хулосаси олинган кундан бошлаб) 1 ой ичда берилади. Ютуқли билетлар тираж ўтказилган санадан бошлаб 100 кун давомида қабул қилинади ва ушбу мuddат ўтгандан сўнг ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади. Балоят ёшига етмаганлар лотереяда иштирок этиши тақиқланади.

Хизматлар лицензияланган



ИТТМОИЙ-СИЙОСИЙ ГАЗЕТА

ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР НАРАКАТИ — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

ТАҚРИРЧИ: Темир АБДУРАХМОНОВ, Сайфулла ИКРОМОВ, Шаҳзод НАЗАРОВ, Муҳаббат РАВШАНОВА, Носир ТОШЕВ, Шухрат ХУЖАЕВ, Маркес ЮСУПОВ, Акбар МУЗАФФАРОВ, Баҳзод ИСОИЛОВ, Наргиза ҚАҲҚОРОВА, Шухрат Раҳимов, Солиқон ЗОИРОВ

БЎЛИМЛАР: Мотиббат — 281-40-17 (т.а./ф.а.с.); Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80; Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80; Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45; Ешлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79; Рецанга ва шартномалар бўлими — 215-60-45; 255-68-50; Қўриққон: 215-63-80 (тел./факс).

ТАҚРИРЧИ МАЪНИЛИ: Тошкент: Нукус кўчаси, 73А-уй. ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: xxi@21asr.uz; xxi_asr@mail.ru. «XXI ASR»дан олишган маълумотларда мавза сифатида газета номини кўрсатишимиз шарт. Муаллифлар фойда таҳририят нуктадан назардан фарқ қилиши мумкин. «Ўзбекистон НМИУ басмаохонасида чоп этилади. Корхона маъноси: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

БОШ МУХАРРИР ВАЗИФАСИНИ БАЖАРУВЧИ: Озод РАҲАБОВ

МУАССИСА: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси

«XXI ASR» миллий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

Буюртма рақами: S 202 Тиражи: 16856

Басма келишилган — қўриққон

Тошкентда — 20 00

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

ISSN 2313-177X



4 772313 177009

Навбатчи: Т.АБДУРАХМОНОВ, Ш.РАҲИМОВ.